

**САҲНА ҲАРАКАТИ ВА ЖАНГИ
МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАР ВА ИННОВАЦИОН
ЁНДАШУВЛАР**



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Актёрлик санъати” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ Катта ўқитувчи Раҳимжон Раимкулович Дўсанов

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ЎзДСМИ “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедраси катта ўқитувчisi Рахимжон Раимкулович Дўсанов

Тақризчилар: ЎзДСМИ “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедраси доценти Фазлиева Зебо Камарбековна

ЎзДСМИ “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедраси доценти Н.Шерматов

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	22
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	66
V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	99
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	101
VII. ГЛОССАРИЙ.....	106
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	111

I. ИШЧИ ДАСТУР

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6000-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон, 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон, 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4584-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Саҳна ҳаракати ва жанги модулини ўқитишида хорижий тажрибалар ва инновацион ёндашувлар”модулиниң мақсади педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

“Саҳна ҳаракати ва жанги модулини ўқитишида хорижий тажрибалар ва инновацион ёндашувлар”модулиниң вазифалари:

“Хореография (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

-“Хореография (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Саҳна ҳаракати ва жанги модулини ўқитишида хорижий тажрибалар ва инновацион ёндашувлар”модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- саҳна ҳаракати ва жанг санъатининг тарихи ва ривожланиш босқичларини;
- саҳна ҳаракати ва жангсанъатининг тарихий келиб чикиш асосларини;
- саҳна ҳаракати ва жангбадиий ижод тури сифатида, унинг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароитларини;
- саҳна ҳаракати ва жангсанъати назарияси ва амалиётининг асосчиларини;
- Европа ва Туркий ҳалқларжанг санъатининг “Саҳна ҳаракати ва жанги” фанининг илмий-назарий асосини ривожланишидаги аҳамиятини;
- А. Немировский – “Саҳна ҳаракати ва жанги” фанининг асосчиси эканлигини;

- “Саҳна ҳаракати ва жанги” фанига инновацион ёндошувни;
- А. Немировский ва унинг “Саҳна ҳаракати ва жанги” ўқув қўлланмасини;
- Саҳнавий ҳатти-ҳаракатларнинг мақсади ва вазифаларини **билиши** лозим.
- Саҳнавий ҳатти-ҳаракатларнинг ўзбек рақс санъати ривожидаги хиссаси;
- Саҳна ҳаракати ва жанги тизимишинг шаклланиши босқичларини таҳлил қилиш;
- Саҳна ҳаракати ва жангининг турли усулларини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- Саҳнавий ҳаракатланиш комбинацияларини ижро этиш;
- Интернетда видео маълумотларни қидириш;
- Саҳнавий ҳаракатланиш усулларини амалда қўллаш;
- Саҳнавий ҳаракатланиш амалий машғулотларини ташкил этиш қоидаларини эгаллаш;
- Саҳнавий ҳаракатланиш комбинациялари лексикаси ва мусиқий ритмларнинг ўзаро алоқадорлиги бўйича **малакаларга** эга бўлиши зарур.
- Илғор хореография ютуқларини саҳнавий ҳаракатланиш машғулотларига тадбиқ этиш;
- Саҳна ҳаракати ва жанги фанини ўқитиши;
- Тана учун комплекс машқларни ташкил этиш;
- Саҳнавий ҳаракат тренинги билан шуғулланиш;
- Саҳнада партнёр билан бирга ишлаш маҳоратини шакллантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Саҳна ҳаракати ва жанги модулини ўқитишида хорижий тажрибалар ва инновацион ёндашувлар” модули мазмуни ўқув режадаги “Ўзбек рақси назарияси ва амалиёти”, “Классик рақси назарияси ва саҳналаштириш амалиёти”, “Халқ-саҳна рақси назарияси ва саҳналаштириш амалиёти” ва шунга ўхшашўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда олий таълим муассасалари хореография йўналиши ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар классик рақси назарияси ва саҳналаштириш амалиёти, ўзбек рақси назарияси ва амалиёти, халқ-саҳна рақси назарияси ва саҳналаштириш амалиёти, саҳна ҳаракати ва жанги модулини ўқитишида хорижий тажрибалар ва инновацион ёндашувлар компетенцияларига эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчиларни нг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машнушот	Кўчма
1.	Театр санъатидаги замонавий тенденциялар. замонавий театрларда шартлийлик, рамзийлик ва ғоявийлик масалалари. Кўнгил очар томоша ва шоуларда ғоясизлик тенденцияларнинг намоён бўлиши. Актёрнинг театрдан ташқаридаги ижоди – кино, телесериаллар, реклама ва кинолардаги иштирокининг ижобий ҳамда салбий томонлари.	2	2		
2.	Актёр – мамлакат фуқароси, миллатнинг “юзи” ва фахри саҳнанинг қироли каби афоризмларнинг маънавий аҳамияти.	2	2		
3.	Актёрлик санъатига инновацион ёндашувларда янгиликни – ёлғон янгилик (псевдоноваторства) дан фарқлай олиш, гарб ва шарқ театрларидағи замонавий тенденциялар.	2		2	
4.	Ривожланган мамлакатлардаги актёрлик ижросининг бугунги кўриниши. Замонавий ва тарихий мавзулардаги спектаклларда актёрлик ижроларнинг инновацион усуллардан фойдаланиш масалалари.	2		2	
5.	Актёр ижросида техник воситалардан фойдаланиш услублари.	2		2	
6.	Ўзбекистондаги “Бир актёр театри” нинг истиқболи. Актёр этикаси ҳамда маданияти билан боғлиқ назарий қарашлар.	4		2	2

7.	Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили.	4		2	2
Жами:		18	4	10	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Театр санъатидаги замонавий тенденциялар. замонавий театрларда шартлийлик, рамзийлик ва ғоявийлик масалалари. Кўнгил очар томоша ва шоуларда ғоясизлик тенденцияларнинг намоён бўлиши.

Актёрнинг театрдан ташқаридаги ижоди – кино, телесериаллар, реклама ва кинолардаги иштирокининг ижобий ҳамда салбий томонлари. (2 соат).

Саҳна ҳаракати ва жанги, хореография фанини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар. Саҳна ҳаракати ва жанг санъатининг тарихий келиб чикиш асослари. Саҳна ҳаракати ва жанг санъатиназарияси ва амалиётининг асосчилари. Саҳна ҳаракати ва жанг санъатининг ривожланиш босқичлари.“Саҳна ҳаракати ва жанги модулини ўқитишида хорижий тажрибалар ва инновацион ёндашувлар” модули мазмуни.

2-мавзу. Актёр – мамлакат фуқароси, миллатнинг “юзи” ва фахри саҳнанинг қироли каби афоризмларнинг маънавий аҳамияти. (2 соат).

Саҳна ҳаракати ва жанги, хореография фанига инновацион ёндошув. А.Исмоилов ва унинг “Саҳна ҳаракати ва жанги” электрон дарслиги. Саҳна ҳаракати ва жанги модулининг рақс санъати ривожидаги ҳиссаси. Саҳна ҳаракати ва жанг санъати комбинацияларининг аҳамиятли жиҳатлари ва таснифи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот. Актёрлик санъатига инновацион ёндашувларда янгиликни – ёлғон янгилик (псевдоноваторства)дан фарқлай олиш, ғарб ва шарқ театрларидағи замонавий тенденциялар. (2 соат).

Актёр ижросидаги замонавий талқин. Тарихий даврларга хос бўлган этикетлар. Замонавий муштлашув элементлари. Театрлардаги замонавий

тенденциялар. Саҳна ҳаракати ва жангитизимининг шаклланиши. Назарий ва амалий ёндошув. Саҳна ҳаракати ва жанги ҳаракатлари терминологияси.

2-Амалий машғулот. Ривожланган мамлакатлардаги актёрлик ижросининг бугунги кўриниши. Замонавий ва тарихий мавзулардаги спектаклларда актёрлик ижроларнинг инновацион усуллардан фойдаланиш масалалари. (2 соат).

Ривожланган мамлакатлар театридаги бугунги томошалар. Тарихий даврларга хос бўлган тарихий қиличбозлик усуллари. Темурийлар даврига хос бўлган жанг қилиш усуллари. Замонавий ва тарихий мавзулардаги спектаклларда актёрлик ижроларнинг инновацион усуллар. Оғир қуролларда жанг қилиш техникаси. Тарихий жангларни саҳналаштириш услублари.

3-Амалий машғулот. Актёр ижросида техник воситалардан фойдаланиш услублари. (2 соат).

Актёрларнинг ижрода техник воситалардан, буюмлардан, тарихий либослардан фойдаланиши. Европа ва жаҳон асарларга жанг саҳналаштириш. Тархий асарларга жанг саҳналаштиришда даврларга хос ҳаракатлар. Асар гояси асосида жанг саҳналаштиришда қаҳрамонлар характеристини ифодалаш.

4-Амалий машғулот. Ўзбекистондаги “Бир актёр театри” нинг истиқболи. Актёр этикаси ҳамда маданияти билан боғлиқ назарий қарашлар. (2 соат).

Ўзбекистондаги “Бир актёр театри”нинг тарихи асоси ҳамда истиқболи Икки кишига қарши жанг қилиш усули. Тўрт кишига қарши жанг қилиш усули. Актёр этикаси ҳамда маданияти. Саҳнавий этикетлар, қуроллар билан бижариладиган маиший ҳаракатлар. Қилич қалқонда жанг қилиш услуби. Оммавий жанг.

5-Амалий машғулот. Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили. (2 соат).

Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили. Якка ижро уталари ижодини ўрганиш. Оммавий жанг саҳналарини саҳналаштириш. Оммавий жанг қилишда хавфсизлик қоидалари. Оммавий жанг саҳналаштиришда мусиқа ва ритм. Якка ижро асосчиси Муҳсин Ҳамидов ижодини ўрганиш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Кўчма машғулот. Ўзбекистондаги “Бир актёр театри” нинг истиқболи. Актёр этикаси ҳамда маданияти билан боғлиқ назарий қарашлар. (2 соат).

Ўзбекистондаги “Бир актёр театри”нинг тарихи асоси ҳамда истиқболи Икки кишига қарши жанг қилиш усули. Тўрт кишига қарши жанг қилиш усули. Актёр этикаси ҳамда маданияти. Саҳнавий этикетлар, қуроллар билан бижариладиган майший ҳаракатлар. Қилич қалқонда жанг қилиш услуби. Оммавий жанг.

2-Кўчма машғулот. Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили. (2 соат).

Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили. Якка ижро уталари ижодини ўрганиш. Оммавий жанг саҳналарини саҳналаштириш. Оммавий жанг қилишда хавфсизлик қоидалари. Оммавий жанг саҳналаштиришда мусиқа ва ритм. Якка ижро асосчиси Муҳсин Ҳамидов ижодини ўрганиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, (давра сухбатлари маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- амалий машғулотлар (ақлий қизиқиши ривожлантириш, кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш эшитиш, муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

I. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

SWOT таҳлил:

S – strength (кучли)

W – weakness (зайф)

O – opportunities (имкониятлар)

T – threatens (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

Намуна Музейнинг рақобатли SWOT таҳлили

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
Ички мухит омиллари	<p>S – кучли томони.</p> <p>1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа.</p> <p>2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар.</p> <p>3. Кўргазмалар ташкил этишда инновацион шаклларни кўллаш.</p>	<p>W – зайф томонлари</p> <p>1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик).</p> <p>2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (м-н: маркетолог)</p>
Ташқи мухит омиллари	<p>O – имкониятлар.</p> <p>1. Ўз экспонатининг ноёблиги бўйича музейнинг таниқлилик даражаси.</p> <p>2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги.</p> <p>3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари.</p>	<p>T – хатарлар.</p> <p>1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши.</p> <p>2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши.</p> <p>3. Ташқи рақобат: Кўплаб музей ва галереяларнинг мавжудлиги.</p>

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил

ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзалик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;
- Навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

Намуна:

Галерея аудиториясини сегментлаш					
Даромадлари бўйича		Ёши бўйича		Жинси бўйича	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият

сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (Хow), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф – фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Музей брендини шакллантиришда доимий ташриф буюрувчилар ҳатти харакати таъсир этади”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган түғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослади, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўши мча маълумот
Актёрлик	Томашабинларга асарда берилган воқеани тўлақонли етказишдаги маъсул шахс ижроси	
Режиссёра	Жамиятнинг кенг аудиторияси тўғридан алоқа ўрнатиб, уларнинг маданий хордиқ чиқаришларига кўмаклашиш, оммани жалб қилиш	
Фильм ва спектакл	Маълум бир воқеага асосланган драматик ва ҳажвий сахна кўринишларга эга бўлган томошабинга маънавий озука берадиган сахна кўринини ва телэкран намойиши	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар хақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;



- навбатдаги босқичда иштирокчилар түрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жихатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Венн диаграммасида ишлаш қоидалари:



Венн диаграммаси



“Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникумаларини шакллантиришдан

иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшиллади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

II. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Актёрда бадиий дид ва этик маданиятни тарбиялаш. Актёрнинг кузатувчанлиги ва хаётийлик. (2 соат).

Режа:

1. Актёрда бадиий дидни шакиллантириш ва маданиятни ривожлантириш
2. Бадиий асарга тилига талабада ҳурмат хиссини тарбиялаш.
3. Актёрда ҳаётийлик ва кўзатувчанликни ривожлантириш, ички хиссиёт, хислат-фазилатларни ички тасвир техникаси орқали ифодалаш.

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантиқий – изчилиқ, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

1. Актёрда бадиий дидни шакиллантириш ва маданиятни ривожлантириш

Театр санъати мактабини ўрганувчи талabalар энг аввало саҳнада ижро этишни ўргатиб бўлмаслиги, ўрганиш эса мумкинлигини, театр санъати даргохи аниқ қолипларга эга бўлган ғишт тайёрловчи завод эмас эканлигини аниқ билиши керак. Ролларни ижро этиш учун тавсиялар йўқ. Талabalар яхши актёр бўлиб етишадими, йўқми биз буни билмаймиз. Агар юракдан ўрганиш учун хохиши зўр бўлса, мақсадга эришади албатта. Санъатда барча шароитга хос юриш–туриш қоидалари йўқ, ва шахзода Гамлет ролини қандай ижро этишнинг мажбурий кўникмалари бўлиши ҳам мумкин эмас. Албатта бугун, бундан 50 йил аввалгидек эмас, яна 50 йилдан сўнг ҳам ҳамма нарса ўзгаради, бугунгидай бўлмайди. Чунки, бундан ярим аср илгари, ҳамда бугун ва яна ярим асрдан кейин, актёр асосий саволни, яъни – НИМА УЧУН МЕН БУГУН ГАМЛЕТНИ ЎЙНАЯПМАН?, деган саволни ҳал этади. Нима учунлигини ҳал қилгач, кимни ва нимани ўйнайди, қандайлигини излайди, ўйлади ва топади.

Актёр этикаси нафақат касб сирларини эгаллашда, балки, бутун санъат тарихининг ғоявий таркибига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам театр санъатида актёр этикаси маълум чегара ва қоидалардан ташкил топган. Ҳар

бир актёр театрда фаолият юритар экан театр жамоаси, томошабин, пьеса муаллифи, партнёри ва ниҳоят ўзи олдидаги маъсулиятни унутмаслиги, хис этиши лозим. Театр санъатининг ўзига хос табиати, жамоа санъат эканлиги актёр олдига нафақат ўзи ва жамоаси, балки умумбашарият билан боғлик юксак бурчни юклайди. Бунда актёр жамоа, жамоа эса актёр учун жавобгар хисобланади. Шу жиҳатдан ҳам театр санъати тарихида унинг буюк дарғалари ёш актёрни тарбиялашда этиқ, эстетик маданият тарбиясини муҳим дея хисоблаганлар. Зеро, бир театр асари – спектакль яралишида кўплаб инсонлар иштирок этади. Улар орасида ижодий бадий бирдамлик пайдо бўлгандагина спектакль яралишидек мураккаб жараён самарали якун топади. Аксинча, жамоа ичида фақат ўз манфаатини кўзлайдиган шахслар ҳам учраб туради. Бундай инсонлар Станиславский таъбири билан айтганда санъатни эмас санъатда ўзини севган “ижодкор”лардир. Улар нафақат спектакль, балки, санъат ривожи, сифатига салбий таъсир этадилар. Худбинлик, хасад, кўролмаслик, майда-чуйда гап-сўзлар ва саҳна орти ғийбатларига юкак ғоя, буюк мақсадга интилиш орқалигина чек қўйиш мумкин. Актёрлик ва санъат этикасининг энг муҳим бирламчи талаби шудир. Ҳар қандай энг истеъдодли, маҳоратли актёр ҳам ўзи хис этмаган, ўзида мавжуд бўлмаган гуман хислат-фазилатларни, қалб беғуборлиги, юрак поклигини саҳнада ишонарли тасвир этолмайди. Унинг хатти-харакатларига томошабин ишонмайди. Актёр саҳнада “хиссиёт хотирасисиз” ижод қила олмаслиги кўпчилик санъат аҳлларига албатта кундек равshan. Қаҳрамоннинг ички дунёсини яратиш учун актёрга ўз интелектуал ва эмоционал хотирасигина кўмак бериши мумкин. Шунинг учун ҳам ўз ҳаётий тажрибаси давомида турли хиссиётларни бошдан кечирмаган актёр саҳнада айнан шу хиссиётларни тасвирлай олмайди. Бунга эришган тақдирда ҳам хақиқий санъат хисобланмайди. Турли ички хиссиёт, хислат-фазилатларни қуруқ ташқи тасвир техникаси орқали ифодалаб бўлмайди. Бунинг акси, яъни салбий образ яратишда ҳам айни юқоридаги фикримиз ўз исботини топади. Юксак фазилатли идеал, баркамол инсон бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган актёр саҳнада унинг акси –

антитетасини санъат асари даражасида тасвир эта олмайди. (Бундан келиб чиқадики, актёр энг аввало ўзида гуман фазилатларни шакллантира олиши даркор). Қалбига юксак ғояларни эка олган, юксак маданиятга эга бўлган актёр бирор бир салбий образни тушуниб тасвирлар экан залдаги томошабинлар тасаввурида бу образга нисбатан ишонч ва истехзо, нафрат уйғонади. Боиси, актёр саҳнада салбий образ қиёфасидаги хатти-ҳаракатлари заминида ўз образига нисбатан нафрат ётади. Бу нафрат бевосита томошабин қалбига ҳам ўтади. Театр санъати тарихида юксак сатирик образларнинг фақат юқори маданият, билм ва кенг дунёқарашга эга бўлган санъаткорларгина маҳорат билан ижро эта олганлиги бежиз эмас. Албатта, мазкур фикрлардан улуғ актёрларнинг барчаси салбий хислатлардан холи деган хулоса ясамоқчи эмасмиз. Биз яшаб турган ҳаётимизда идеал, баркамол инсоннинг йўқлиги аниқ факт. Фақат баркамолликка интилувчи инсонларгина мавжуд. Салбий образ қиёфасини ифода этаркан актёрнинг ўз эмоционал хотирасига мурожаат этиб салбий хислатлар хиссиётидан фойдаланиши сир эмас. Аммо, актёр айни дамда ўз салбий хислатининг айнан салбий эканлигини тушуниб етган бўлиши керак. Кўплаб улуғ санъаткорлар тажрибаларидан маълумки, салбий, шунингдек ижобий образ ижрочиси ҳам ўз қаҳрамонини яратар экан қалбидаги яширин хотиралар, ўз бошидан кечган воқелар ҳақидаги хиссиётлардан иш қуроли сифатида фойдаланади. Биз энг яхши дея хисоблайдиган, тасвир этадиган инсонда ҳам оз бўлсада хасад, худбинлик, бешавқатлик, қўрқоқлик, ёвузлик каби хислатларни н и м а в а қ а н д а й? эканлигини оз бўлсада билади, хис қилади. Инсоннинг эмоционал хотирасида салбий хислатлар кўплаб топилади. Уларнинг салбий эканлигини таъкидловчи восита эса онг хисобланади. Ўз эмоционал хотирасидан тўғри фойдалана олган актёрнина саҳнада юксак образлар, санъат асарлари яратади. Бу муваффақият асосида эса юксак эзгу мақсад ётади. Театр ижодкорлари орасида шундай ақида мавжуд: Актёр театр биносига қадам қўяр экан, ўзи билан фақат юрагидаги яхши хислат-хаёлларни олиб кириши, аксинча, ҳақиқий ижод жараёни, илҳомига ҳалақит берувчи, путур етказувчи,

кишининг юксак, тоза табиатига қарши ёмонликлар, майда гап-сўз, ғийбат, арзимас орзу-ташвишларни эса театр ташқарисида қолдириши лозим. Тинимсиз қайтариувчи машқлар натижасида актёр қалбидаги барча ижобий фазилатларнинг мустаҳкамланиши, салбий хаёлларнинг эса секин-асталик билан йўқолиб боришига эришиши мумкин.

Этик маданият талаблари ҳар бир давр, замон, муҳит таъсирида ўзгариб боради. Аммо, унинг заминида ётган асосий ғоя, олий, эзгу мақсад – гуман хислат, бадиий дид, этик маданият ўзгармайди. Балки, янада сайқалланиб, ривожланиб бораверади.

Театр шундай мураккаб заминки, унда бир вақтнинг ўзида ҳам чиройли, нафис гул, ҳам тиканак ўсиши, озуқа олиши мумкин. Бу замин ҳар иккисини - юксак эзгу ниятли, театрга содик, унинг учун ҳар қандай қурбонликка тайёр ижодкорни ҳам, ўзига хаддан ташқари бино қўйган, худбин, санъатдан фақат шухратпастлик, ўз манфаати йўлида фойдаланувчиларни ҳам ўз ўғитлари, бой маъданлари билан бирдек таъминлайди. Шунга қарамай, хақиқий актёрларгина йиллар силсиласида, тарих зарварақларида абадий яшashi мумкин.

Бугунги кун замонавий актёри тезкор шиддат-шахтга эга, янгиликка интилевчи бўлиши билан бирга, сокин, бегубор ижод илҳомига ҳам эга бўлиши керак. Зоро, тобора ривожланиб бораётган асримиз ижодкор, актёрдан, балки, ишчанлик, тезкорликни талаб этади. Актёр эса халқ кўзгуси. Оддий инсонлардан бир поғона юқорироқда, олдинроқда, халққа ўрнак. Театр саҳнасининг томоша залидан бир-икки поғона юқорида эканлигининг маъномоҳияти ҳам шундадир балки. Бу фалсафа актёрнинг зиммасига санъат ва ўзи олдида жуда катта маъсулият юклайди. У театр санъатининг асосий қуроли сифатида ўзини ҳам жисмоний, ҳам руҳий томонлама турли зарарли таъсирлардан химоя қилиши, нозиклик билан тарбиялаши лозим.

Актёр ижоди жараёнининг дастлабки босқичида осонлик билан топилган шухрат актёр шахсияти ва этик маданиятига жиддий салбий таъсири кўрсатиши мумкин.

Ўз-ўзини севиш ва худбинлик актёрлик касбидаги энг биринчи душман саналади. Ижодий ўз-ўзидан қониқиши актёр маҳоратини ўтмаслаштиради. Актёр доим ўз камчиликларини билиши, назаорат қилиши, уларни бартараф этишга интилиши лозим. Баъзи холларда актёрни мақташ, қўллаб –қувватлаш албатта эхтиёжга, заруриятга айланиши мумкин. Бироқ, бу борада талаба келажак фаолиятида шуни инобатга олиши, ўта эътиёткорлик ва зийраклик билан иш қўриши талаб этилади.

2. Бадиий асарга тилига талабада ҳурмат хиссини тарбиялаш.

Ёш актёрда драматург, пьеса тилига ҳам алоҳида ҳурмат хиссини тарбиялаш аввало актёрнинг этик маданияти талабларидан бири хисобланади. Актёр бирор-бир асар қаҳрамонини ижро этар экан пьесада келтирилган сўздан ортиқча сўзни қўлламаслиги, ўзидан сўз қўшмаслиги керак. Ваҳоланки, бугунги кунда театрларимизда бу масалага мутлақо эътибор берилмайди. Актёр ҳар бир сўз қадрини билиши, хис этиши, муаллиф мақсади, услубиятига чуқур ҳурмат билан қарashi лозим.

Актёр сахнада партнёри олдида ҳам маъсулиятлидир. Зоро, сахнада бадиий ҳаёт акиёрларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳатти-харакатлари орқали юзага келади. Актёрнинг партнёри олдидаги маъсулияти унга нисбатан эътиборли бўлишга, ўзига нисбатан билдирилаётган муносабатни илиб олиб унга қарши муносабат билдиришга замин яратади.

Актёрнинг зиммасидаги маъсулиятлар қаторида унинг ўзи олдидаги маъсулият ҳам мавжудки, актёр буни қалбан хис этиши, ўзида маънавий, рухий, ижодий кайфиятни тарбиялаши, ривожлантириши, асарб-авайлаши керак бўлади.

Театр мактаби ўқувчилари билан бадиий ҳаваскорлик иштирокчилариiga актёрлик маҳоратини эгаллаётган пайтида аниқ тавсия бериб бўлмайди. Актёрлик касбини ўргатиб бўлмайди. Аммо актёрлик маҳоратини ўрганиш мумкин. Дарҳақиқат, сахнада рол ижро этишининг бир қолипга туширилган қонун-қоидаси йўқ. Хусусан, Гамлет образини қандай яратиш мумкинлигига аниқ кўрсатма бериб бўлмайди. Театр санъати пайдо

бўлганидан бошлаб актёрнинг ўзи нима учун айнан шу ролни ўйнаётганлиги билан боғлиқ энг мухим масалани ўзи ҳал қилган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

3 Актёрда хаётийлик ва кўзатувчанликини ривожлантириш, ички хиссиёт, хислат-фазилатларни ички тасвир техникаси орқали ифодалаш.

Ўйлаш, хис қилиш, тайёргарлик. Келинг, бугун оқшом копток ўйнаймиз. Ҳар биримизда биттадан копток бўлади. Албатта ҳар бирингизни партнёргиз бўлади ва бир бирингизга коптокни ерга уриб, сўнг илиб оласиз. Энда шу машқни уч киши бир бирига коптокни ерга уриш орқали узатади. Бу уч томонлама бажарилади, яъни бир бирига аввалги тарзда узатади. Машқ тўғри бажарилишига ҳар бири маъсул. Яна бир машқнинг талаби, копток айнан юракни нишон этиб отилиши зарур. Гурухни хис қилдингизми? Айни машқни кўп бор такрорланиши гурухни хис қилиш ва бир бирини сўзсиз ҳам англашни ўргатади. Бу билн сиз ўзингиз, партнёргиз ва айниқса яратаетган персонажингизни хис қилишга ўргатади .

Мен саккиз оёқнинг бирига айлана оламан. Шундан кейин дунёни айланиб чиқишига қарор қилдим. (Тасаввур машқлари) Хаёлпарастми? Бу ҳам яхши. Чунки, тасаввур қилиш фойдали. Бу оддий бажарилади. Аммо сиз хистуйғудан нарисиз дегани эмас мухими сиз қандай характерга эга эканингизни билишингизда. Айнан персонажни гавдалантиришда сиз ўзингизда борини унутиб янги типни шакллантиришингизга тўғри келади, бунда ўзлаштирилган техникани ишга соласиз. Гап сизнинг хаёtingиз хақида боряпти, қайсикумутлоқишингиз, касбийменингизданташқарида. келинг шу нуқтаи назардан ўзингиз учун ҳам мутлоқ янги сифатингизни кашф этишга уринамиз. Қандайдир сизга маълум бирон хабар ,ахборотни худдики билмагандай тутинг дейлик масалан сизнинг бошингиз ўрнида бирон бир буюм жойлашган. Айни патда уҳам юмалоқ ва танангизнинг бошқа аъзалари билан чамбар час боғлиқ. Бошингиз вертикал жойлашган аъзо, шу тариқа харакат пастга томон, яъни бўйинларимизни хис этиб қўринг. Уни ҳам бирон шаклда тасаввур этиб

кўринг. Хис қилинг. Хозир бири устидаги бошқасини харакатга келтиринг. секин аста бу харакатларга оёқ қўлларимиз ҳам қўшилади. Яхшими? Мана шу холатингизда бирон нарсани гапириб кўринг бу харакатда бўла туриб гапириш мавзу ва масалалар ўзгарган холда такрор, такрор бажаринг. Хозир бу машқни харакатларингизни тезлаштирган холда бажаринг.

Сен бироз аввал билдирилган фикрни такрорляйпсан? Аслида буларнинг баърини чуқур хис қилган холда бажариш лозим бўлади. Бу машқни бажараётганингизда борган сари муракаб бўлаётганини хис қиласиз.. машқни мумкин қадар тез бажарап экансиз сезги аъзоларингизни тўла ишлатишга харакат қилинг. Машқларни онгли бажаришга урининг.

Актёр бошқа кундалик машқлар билан бир қаторда диққат Билан кузатувчанликни ўзида ривожлантириши керак. У ўзининг ҳамда бошқаларнинг юриш-туришида, беихтиёрий равишда қилинган ишларда ифодаланган яширин сабаб ва мақсадларни тушуниб, белгилаб олиши керак.

Кузатувчанлик бўлғуси актёр учун диққатни ривожлантириш сифатида ҳамда ижод учун материални тўплаш тариқасида керакдир. “Ҳаётни кузатишида – деган эди Станиславский – актёр атрофига оддий паришонхотир одам бўлиб эмас, ёки фақат ҳисоб маълумотларини тўплайдиган бухгалтер бўлиб эмас, балки – одамларнинг шарт–шароитларидан келиб чиқиб қиласидиган ишларини, қилмишларини тубдан кузатиб, диққат билан ўрганиши лозим. Бу ҳақиқий қизиқувчан ижодкорга хосдир¹. Педагог кузатувчанликни томоша сифатида эмас, балки уларни хатти-ҳаракатдай тушунишлари керак эканлигини талабалардан талаб қилиши керак, яъни қизиқ ҳодисаларни кузатишини, ҳаётдаги воқеаларни, одамларнинг феъл–атворини ўрганиб, уларни танлаб, баҳо бериб ўз ишларида фойдаланишини ўргатиши керак. Диққат ва кузатувчанлик машқларида педагог доимий равишда талабалар тасаввурини ривожлантириб, уларнинг диққатини ҳар хил гап сотишлардан

¹ К.С.Станиславский. Танланган асарлар. 2-жилд, 125 б.

озод қилиб, ҳаракатда фахмланган ҳис-туйғуларни эгаллашга йўналтириши керак. Талабалар атрофдаги воқеа–ходисаларни кузатиш, уларни кўриб, тушуниш, уларнинг фақатгина ташқи холини эмас, балки ички объектив қонуниятларини тушуна билиш, кузатилаётган одамнинг феъл–авторини аниқлаш, чукур таҳлил қилиш унинг касбий одатларини тўлиқ ўрганиш каби муҳим масалаларга бутун эътиборини бермоқлари лозим. Машғулотлар вақтида талабалар, кузатган одамларнинг ҳаракатларини, феъл–автор хусусиятларини кўрсатишади. Бу бўлимда биз талабалардан кузатган одамни “тўлиқ ҳолда” эмас, балки бу босқичнинг биринчи навбатида унинг ташқи ўзига хосликларини кузатишни ўргатамиз. Даставвал кузатилаётган одамнинг фақат ўзига хос характерли феъл–авторини топишади. Масалан: юриш–туриши ва ўзини тутишига эътибор бериш керак. Талабалар аввал уялиб, кейин жону–диллари билан кузатган одамларини кўрсатиб беришди. Бизнинг кўз ўнгимиизда хилма–хил одамларнинг «юришлари, ўзини тутишлари» намоён бўлди ва бу одамларнинг тимсолларидан уларнинг ички дунёси кўрина бошлайди. Масалан, учун узоқ бир қишлоқдан келган қиз. У паришон, саросимада, вақти–вақти билан қўлидаги қоғоз парчасига қараб қўйяпти, қоғозда у борадиган манзил ёзилган, аммо у гавжум шаҳарнинг шовқинидан безовталанаяпти. Лотин алифбосида ёзилган кўчанинг номини ўқий олмасдан, бошқа кўчага ўтиб кетади. Манна энди саҳнада бадавлат, ўзига ишонган одам пайдо бўлди. У шошмасдан уйқу олдидан сайр қилмоқда. Саҳнага баланд пошнали туфлида, бир хил ритмда тебраниб бир қиз чиқиб келади. У тўхтаб залга назар ташлайди. Ўзининг нигоҳи билан барчанинг диққатини ўзига жалб қилишни хоҳлайди. Саҳнага бошига тоғора қўйиб олиб, лапанглаб, ёши ўтган аёл чиқади. У атрофга аланглаб, қаерга бориши кераклигини аниқлайди. Рўмолнинг уни билан юзидағи, бўйнидаги терини артиб қўяди. Керакли жойни аниқлагач, чиқиб кетади. Энди саҳнага ёш қиз югуриб чиқиб келади. У залга қараб тўхтаб қолади ва тасаввуридаги витринага осиб қўйилган рўйхатларни кўздан кечиради. Биз буabituriентларнинг рўйхати эканлигини тушуниб оламиз. Рўйхатда ўз номини тополмаган қизнинг лаблари чўччаяди, лекин,

ҳали ҳаёт олдинда эканлигини тушуниб ачинмай жилмайиб чиқиб кетади. Ундан кейин саҳнага бир безори югуриб чиқади, унинг чўнтаклари олма билан тўлган. Тез – тез нафас олишидан уни орқасидан кимдир қувлагани билиниб турибди. У ёқ бу ёққа аланглаб, ҳеч ким орқасидан келмаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, ерга ўтиради ва роҳатланиб олма ея бошлайди. Бирдан диққатини кимнингдир оёқ товушлари бўлади, у ўрнидан туриб, қочиб кетади. Унинг кетидан қўлида шапкасини мижиғлаб, шир–шир қилиб, салмоқланиб бир болакай чиқиб келади, унинг боши эгилган. Вақти–вақти билан бурнини тортиб қўяди ва бир қўли билан уни артиб туради. Бу болакайнинг қиёфасида тўполнончи мактаб боласининг авзойи кўриниб туради. У дакки емаслик учун кўчани кузатади ва қочиб кетиш учун йўл излайди. Миясида сарф қилган пулларни ҳисоблаб, магазиндан харид қилинган нарсаларини кўтарган бир эркак чиқиб келади. У тўхтаб, қўлидаги юкларини пастга қўйиб, нималарнидир бермоқлари билан ҳисоблаб кўради. Қолган пулини кўриш учун ҳамёнини олмоқчи бўлади ва бирдан уни кассанинг олдида унутиб қолдиргани эсига тушади. Ана энди, саҳнага бемалол қадам ташлаб, қора қўзойнак тақсан, қўлида машинанинг калити илинган занжирни дам–бадам айлантириб ўйнаб, оғзида тишковлагичли бир йигит чиқиб келади. Саҳнанинг олдига яқинлашгач, у аста қўзойнагини олиб, томошабин ўтирган залга қараб туради, гўё дўкондан керакли нарсани излаётгандек. Лекин кўнглига ёққан нарсани топмагач, энсаси қотиб, қўзойнагини тақиб чиқиб кетади.

Бундай машқларни бажараётган вақтда ортиқча майда–чуйда хатти–ҳаракатларни кўрсатмасдан, уларни олиб ташлаб, ўзига хос феъл–авторнинг типиклигини белгилаб берадиган ҳаракатлардан фойдаланиш керак. Ижодкор актёр кузатаётган одамларнинг ўзига хос умумийликларини бизга етказиб Бера олган тақдирда томошабин бу қиёфани олдин кўрган, таниш ёки бўлмаса мутлақо нотаниш чехра деб ажратиб олади.

Савол ва топшириқлар:

1. Актёрда бадиий дид ва этик маданият деганда нимани тушунасиз?

2. Турли ички хиссиёт, хислат-фазилатларни ички тасвир техникаси орқали ифодалаб беринг.
3. Хасад, худбинлик, бешавқатлик, қўрқоқлик, ёвузлик каби хислатлар бўйича хотирада муҳрланган кадрларни тасвирланг.
4. Яхшилик, эзгулик қилган, этик маданиятига эга бўлган инсонни хотирангизда тиклаб тасвирланг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева М. "Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати" – "Тафаккур қаноти" нашриёти-Т.: 2014.
Махмудова Х.-“Актёрлик маҳорати” фани мажмуасидан машқлар матн. -Т., 2016 й.
2. Джуманов И. Бадиий сўз маҳорати.-Т., 2015.-157 б.
3. Зуфаров У. Саҳна талқини ва таҳлил.-Т.:Мусиқа, 2007.
4. Исмоилов А, Усмонов Ш, Исмоилов Д, “Саҳна ҳаракати ва жанги”. Т.: Наврӯз, 2015.-265 б.
5. Маҳмудов Ж. Актёрлик маҳорати. ЎзДСМИ, 2005.
6. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи. Т.: Ижод дунёси, 2003.
7. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
8. Расулов С. Экран санъатида тасвирий ечим ва унинг асослари.-Т. ЎзДСМИ, 2008.-172 б.
9. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. -Т.: Фан ва технология, 2012.
10. Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси С.Муҳамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010.
11. Туляходжаева М., Қозоқбоев Т. Драма назарияси.-Тошкент ЎзДСМИ, 2014.
12. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

2- мавзу. Театр санъати мактабининг актёрлик касбига таъсири.
Актёр ва унинг хиссиёт хотираси. (2 соат).
Режа:

- 1. Актёр шакилланитшида театр санъатининг таъсири ва этюднинг ахамияти**
- 2. Актёрда хиссиёт ва хотирани ривожлантириш**

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантиқий – изчилиқ, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

1. Актёр шакилланитшида театр санъатининг таъсири ва этюднинг ахамияти

Сизлар ўз тажрибангиздан биласизларки, актёр учун текис ва бўш жой қанчалик ноқулай, унда дикқатни тўплаш, кичкинагина машқда ёки соддагина этюдда киши ўзини топиб олиши амри маҳолдир.

Кани шунаقا, худди концерт эстрадасидаги сингари қуруқ жойда, саҳнанинг олдига Гамлет, Отелло, Макбет ролларининг бутун «инсоннинг руҳий ҳаётини» кўрсатиб кўринг-чи. Буни режиссёрнинг ёрдамисиз, мизансценасиз, буюмлар ва мебельсиз қилиб кўринг-чи. Уларга ўтириш, суяниш улар атрофида труппалар ҳосил қилиш мумкин! Ахир бундай вазиятлар саҳнада яшамоққа ва ўзимизнинг ички холатимизни пластик равишда ифодалашга ёрдам беради. Бунга саҳнанинг олдида, устундек қотиб туриб эмас, аксинча, турлича бой мизансценада эришмоқ мумкин. Бизга учинчи ўлчов, яъни саҳна сатхи керак, биз унинг устида юрамиз. унинг устида яшаймиз ва хатти-ҳаракат қиласиз. Бизга учинчи ўлчов биринчи, иккинчи ўлчовга нисбатан зарурроқдир. Орқада, бизнинг орқамиизда, гениал рассомнинг ажойиб декорацияси осилиб турганидан артистларга нима фойда? У орқада тургани учун биз уни кўпинча кўрмаймиз, У бизни факат яхши ўйнашга. ўз муҳитимизга лойиқ бўлишга мажбур қиласиз, у бизга ёрдам

бермайди, чунки рассом уни яратаётганда фақат суратни ўйлаган ва фақат ўзини кўрсатган, артистни эса унудиган кетган.

Суфлёр хужраси олдида туриб олиб, хеч кимнинг ёрдамисиз, мизансценасиз, режиссёр ва рассомсиз пьеса ва ролнинг бутун моҳиятини кўрсата оладиган бундай генийлар, бундай техниклар қани?!

Санъатимиз хеч кимнинг ёрдамисиз артистнинг якка ўзи ижодий вазифани бажаришга имконият берадиган психотехника соҳасида энг юқори чўққига қўтарилигунга қадар бизлар режиссёренинг ва кулиса орқасидаги спектакль ижодкорларининг ёрдамига муҳтожмиз, чунки ҳар хил декорация, планлаштириш, ёруғлик, товушлар ва бўлак қўзғаткичлар уларнинг қўлидадир.

Нега бурчакка суқилиб олдингиз? - деб мурожаат қилди Аркадий Николаевич Малолетковага қараб.

Мен... узокроқда Ўтирмасам бўлмайди! - деди у ҳаяжон ичида гангиб қолган Вюнсовдан яшириниш учун яна ҳам бурчакка тиқилиб оларкан.

-Нега ҳаммаларинг тўпланиб олдингиз? - деди Торсов, энг шинам бурчакда, стол ёнидаги диванга ўтиаркан, Аркадий Николаевичнинг келишини кўраётган бир гурӯх ўқувчиларга қараб.

Анекдотлар айтиляпти... шундай... қулоқ солиб ўтирибмиз, - деб жавоб берди чизмакаш

Говорков икковингиз лампа олдида нима қиляпсизлар? - мурожаат қилди Аркадий Николаевич Веляминовага қараб.

-Мен... мен... билмайман... нима дейшимни билмайман... -деди хижолат тортиб қизча. - Хат ўқияпмиз... шунинг учун.... аҳ нима учунлигини ўзим ҳам билмайман...

- Нега сиз Шустов билан юрибсиз? - мени сўроқقا тутди Торсов.

-Бир нарсани муҳокама қиляпмиз. - жавоб бердим мен.

Хуллас, - деб якун ясади Аркадий Николаевич. - Ҳар бирингиз кайфиятингиз, кечинмангиз ва ишингизга қараб, ҳаммадан қулайроқ жойни танлагансиз, керакли мизансценани яратгансиз ва ўз мақсадингизга

ишлатгансиз, эҳтимол, аксинча. Мизансцена сизларга ишни, вазифани айтиб бергандир.

Торсов каминнинг олдига ўтириди, биз эса унга қараб ўтиридик. Баъзилар унинг сўзларини яхшироқ эшитиш ниятида ўз стулларини унга яқинроқ суриб олишди мен лампа турган столнинг ёнидан жой олдим, чунки ёзишим учун қулагайлик керак эди. Говорков билан Веляминова пичирлаб гаплашиб ўтириш учун нарироққа силжишди.

Энди айтинглар-чи, нега сиз бу ерга, сиз у ерга, сиз эса стол ёнига ўтирдингиз? -деб тушунтириб беришимизни талаб қилди Аркадий Николаевич.

Биз яна уз хатти-ҳаракатимиз хақида унга ҳисбот бердик ва улардан Аркадий Николаевич бу сафар ҳам, бизларнинг ҳар биримиз ўзимизча, шароитга, ишимизга, руҳий холатимизга ва кечинмамизга қараб мизансценадан фойдаланганимизни асослаб берди.

Шундан кейин Аркадий Николаевич бизларни хонанинг турли бурчакларига олиб борди-да (ҳар бир бурчакда мебель турлича қўйилган эди) улар қандай кайфиятларни, ҳиссиёт хотираларини, такрорий кечинмаларни ўғотишини аниқлаб беришимизни таклиф қилди. Биз ушбу мизансценадан қандай шароитларда қандай фойдаланишимизни аниқлаб беришимиз лозим эди.

Шундан сунг Торсов ўз хоҳишича, бизлар учун қатор мизансценалар яратди, биз эса қандай руҳий холатларда. қандай шароитларда, қандай кайфиятда ёки берилган шарт-шароитда у бизга кўрсатиб берганича ўтиришимиз қулагилигини эслашимиз ва белгилашимиз керак эди. Бошқача қилиб айтганда, илгари ўз руҳий холатимизни, хатти-ҳаракат вазифасини сезишимизга қараб ўзимиз мизансцена топган бўлсак, энди бу ишни бизнинг ўрнимизга у бажаар эди, биз эса бировнинг айтган мизансценасини фақат асослаб беришимиз, яъни унга тегишли кечинма ва хатти-ҳаракатни топишимиз, улардан тегишли руҳий холатни аниқлашимиз лозим эди.

Торсовнинг сўзига кўра, иккала биринчи холатда - ўз мизансценамизни яратиш ва шунингдек, учинчи холатда - бирорнинг мизансценасини асослаш - актёрнинг тажрибасида доимий учраб туради. Шунинг учун улардан яхши фойдалана билиш керак экан.

Кейин «аксинча исботлаш» тажрибаси ўтказилди. Аркадий Николаевич билан Иван Платонович дарсни бошлашга Ҳозирлангандаи ўтиришди. Биз «ишигага мос руҳий холатда» ўтиридик. Аммо Торсов биз танлаган мизансценами таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборди. У ўқувчиларни жўрттага ноқулай, биз қилмоқчи бўлган ишимизга ва руҳий холатимизга қарама- қарши равища ўтказди. Баъзилар анча олисда, бошқалар гарчи яқин ерда ўтирган бўлсалар ҳам, муаллимга орқа ўгириб олган эдилар.

Мизансценанинг руҳий холат ва иш билан мос эмаслиги туйғуни чалкаштирас, ички ноқулайликни келтириб чиқарап эди.

Бу мисол мизансцена билан артистнинг руҳий холати ўртасидаги алоқа қанчалик зарур эканлигини сезиларли даражада кўрсатиб берди ва бу алоқанинг узилиши ёмон хол эканлигини исботлади.

Кейин Аркадий Николаевич бутун мебелларни деворга тақаб қўйиши, уларни ёнига ҳамма ўқувчиларни ўтказишни ва ўртага-куруқ полга битта кресло қўйишларини буюрди.

Шундан кейин, ҳар бир ўқувчини навбат билан чақириб, тасаввур нималарни ўйлаб топиши мумкин бўлса, шу кресло билан ҳамма вазиятни қилиб қўришликни таклиф қилди. Бутун вазиятлар, албатта. ички тасаввур тўқимаси берилган шарт-шароитлар ва туйғу билан асосланган бўлиши шарт. Биз машқни навбатма-навбат кўрсатдик, мизансценанинг ҳар бири, группа ёки вазият қандай кечинмага ундашини аниқладик ёки тескарисини. қандай ички холатларда қай хилдаги позалар ўз-ўзидан қилинишини кўрдик. Бу машқлар яхши, қулай ва бой мизансценани, унинг мизансценалиги учун эмас, балки у чақирадиган ва белгилайдиган туйғулар учун қилинаётганини яна ҳам юқорироқ баҳолашимизга мажбур этди.

Шундай қилиб, - сўзларига якун ясади Аркадий Николаевич. - бир жиҳатдан артистлар ўзлари кечираёгган руҳий холатига. бажараётган ишларига, вазифаларига қараб мизансцена ахтарадилар, иккинчи томондан эса руҳий холатнинг узи. вазифа ва иш бизга мизансцена яратиб беради. Улар ҳам бизнинг ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятимизни қўзгатувчилардан бири ҳисобланади.

Одатда саҳна жиҳозлари, ёритилиши, товушлари ва бошқа режиссёрлик усуллари билан биз биринчи навбатда партерда ўтирган томошабинларни лол қи лишни истаймиз деб ўйлайдилар. Йўқ. Буларга мурожаат қилишимизнинг боиси томошабинлардан кўра кўпроқ артистларнинг ўзлари учун керакdir. Биз уларга бутун диққатларини саҳнада бўлаётган нарсага қаратишларига ва ундан ташқарида бўлган нарсаларга эътибор бермасликлари учун ёрдам беришга уринамиз. Борди-ю, биз томонда рамканинг актёрлар турган томондаги яратилган руҳий холат, пьесага мос экан, демак, у тақдирда ижод учун ҳиссиётларни эслаб қолиш ва кечинмани қўзгатувчи тўғри шароит вужудга келган бўлади.

2. Актёрда ҳиссиёт ва хотирани ривожлантириш

Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятининг кучи бизнинг ишимизда катта аҳамиятга эгадир. У қанчалик қулай, ўткир ва аниқ, бўлса, ижодий кечинма шунчалик равшанроқ ва тўлароқ бўлади. Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти бўш бўлса, у сезилар-сезилмас, ноаниқ туйғуларни келтириб чиқаради. Улар саҳнага ярамайди, чунки таъсирчан бўлмайди, кўринмайди, томоша залига кам етиб боради. Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти ҳакидаги кейинги сухбатлардан маълум бўлдики, унинг кучи, давомати ва таъсири турлича бўлар экан. Бу ҳакда Аркадий Николаевич шундай деди:

Кўз олдингизга келтиринг, сиз кўпчилик олдида ҳақоратландингиз ёки тарсаки едингиз, демак, бутун умрга уятга қолдингиз. Бундай воқеадан шундай каттиқ ларзага келгансизки, бу ларза хатто унинг бутун бошқа

тафсилотлари ва ташқи жиҳатларини босиб кетган. Арзимас сабаб ёки хеч қандай сабабсиз чекилган бу алам-хиссиётларни эслаб қолиш қобилиятларимизда бирданига ловиллаб кетади ва икки баробар куч билан жонланади. Шунда юз қизаради ёки оқариб кетади, юрак эса сиқилиб қаттиқ-қаттиқ ура бошлайди. Бундай уткир, осонлик билан ҳаяжонланувчи туйғу материалига эга бўлган актёрга саҳнада, ҳаётда ларзага солиб чуқур из қолдирган ҳодисанинг туйғусига ўхшаш туйғуни кечиниш ҳеч гап эмас. Бунда техниканинг ёрдами керак бўлмайди. Ҳаммаси ўз-ўзидан содир бўлади. Артисгга табиатнинг ўзи ёрдамлашади. Бу туйғуни хотирлаш ва такрорий сезгининг, хусусан, кучли, ўткир, аниқ ва яшовчан турларидан биридир.

Бошқа бир ҳодисани олайлик. Менинг бир дўстим ғоятда паришонхотир одам эди. У бир танишиникига бир йилдан кейин зиёфатга борибди ва шунда уй сохибининг севимли, жажжи ўғлининг саломатлиги учун қадаҳ кўтарибди. Боланинг соғлиги учун кўтарилган бу қадаҳни ҳамма чуқур сукунат билан қарши олибди, шундан сўнг уй бекаси - боланинг онаси, ҳушидан кетиб қолибди. Маълум бўлишича, бечора дўстим соғлиги учун қадаҳ кўтарган боланинг ўлганига бир йил ўтгандан кейин берилаётган йил оши эканини унутиб қўйган экан. «Шунда кечирган ҳолатимни ўла-ўлгунимча унутмайман!» - деб икрор бўлди оғайним. Бироқ, бу ҳолда туйғулар атрофда бўлган воқеани бекитиб қўймади, у ҳолат тарсаки ейилгандан бўлган эди, шунинг учун дўстимнинг хотирасида кечинманинг ўзи эмас, балки унинг айрим, айниқса, аниқ моментлари ва воқеанинг вазияти равshan сақланиб қолган. У рўпарасида ўтирган меҳмоннинг қути ўчган башарасини ҳам, ёнидаги хижолатдаи ерга қараб олган хотинни ва столнинг нариги бошидан чиқкан нидони ҳам эслаб қолган.

Ҳозир, бу воқеага узок вақт ўтган бўлса ҳам, унинг кўнглида ўз-ўзидан йил оши вақтидаги бошидан кечирганлари тўсатдан жонланиб кетади. Бироқ, баъзан бирданига буни қилишни уддасидан чиқолмайди, шунинг учун бу баҳтсиз ҳодиса билан бир вақтда бўлган вазиятни эслашга тўғри келади ва шунда бирданига ёки аста-секин туйғунинг ўзи ҳам жонланиб кетади.

Мана бу - кўпинча психотехника ёрдамини талаб қилувчи анчагина бўш ёки, айтайлик, ўрта даражадаги ҳиссиёт-хотираларининг яшовчанлиги ва кучига мисол бўла олади. Мен энди шунга ўхшаш учинчи ҳодисани айтиб бераман. Бу воқеа ҳам уша паришонхотир дўстим билан содир бўлган, фарқи шундаки, кўпчилик ўртасида эмас, бетма-бет, ўзаро сухбатда бўлиб ўтган.

Гап бундай: амманинг қизи онасининг вафотидан кейин келиб, унинг тобути устига қўйиш учун дўстим юборган гулчамбар учун миннатдорлигини билдиromoқчи бўлган. Қиз миннатдорчилик изҳор қилиб бўлмасданок. паришонхотир дўстим меҳрибонлик юзасидан «аммасининг» (марҳуманинг) «саломатлигини» сўраган.

Бу хижолатвозлик ҳам унинг хотирасида сақланиб қолган, лекин илгариги, яъни қадаҳ қўтарганига нисбатан анча хирароқ қолган. Шунинг учун, борди-ю, дўстим ижодий мақсадлари учун ўзидағи шу туйғу материалларидан фойдаланмоқчи бўлса, дастлаб жуда катта ички ишни бажаришга тўғри келади. Бунинг сабаби, ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятидаги хотираларнинг излари чеккадан ёрдам олмай, мустақил равища жонланиши учун айтарлик чукур ва ўткир бўлмаганидадир.

Савол ва топшириқлар:

1. Этюд нима?
2. Мизансцена нима?
3. Хиссиёт ва хотира учун машқ тайёрлаб келиш?
4. Этюд тайёрлаб келиш?

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева М. ”Драматик театр ва кинода актёрлик махорати” –“Тафаккур қаноти” нашриёти-Т.: 2014.
2. Махмудова X.-“Актёрлик махорати” фани мажмуасидан машқлар матн. -Т., 2016 й.

3. Джуманов И. Бадиий сўз маҳорати.-Т., 2015.-157 б.
4. Зуфаров У. Саҳна талқини ва таҳлил.-Т.:Мусиқа, 2007.
5. Исмоилов А, Усмонов Ш, Исмоилов Д, “Саҳна ҳаракати ва жанги”. Т.: Наврӯз, 2015.-265 б.
6. Маҳмудов Ж. Актёрлик маҳорати. ЎзДСМИ, 2005.
7. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи. Т.: Ижод дунёси, 2003.
8. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
9. Расулов С. Экран санъатида тасвирий ечим ва унинг асослари.-Т. ЎзДСМИ, 2008.-172 б.
- 10.Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. -Т.: Фан ва технология, 2012.
- 11.Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлиши. Т.Хўжаев таржимаси С.Муҳамедов муҳаррирлигигида. Т. Янги аср авлоди. 2010.
- 12.Туляходжаева М., Қозоқбоев Т. Драма назарияси.-Тошкент ЎзДСМИ, 2014.
- 13.David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

З-мавзу. Актёр ижодида сўзниңг аҳамияти. Саҳна маданияти ва жисмоний маданият. (2 соат).

Режа:

- 1. Актёр тарбияси ва шакилланишида сўзниңг интонациянинг таъсири**
- 2. Саҳнада актёрнинг жисмоний маданиятини ривожлантириш, туйғу, мантиқ ва изчиликка эришиш**

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантиқий – изчилик, импровизация,

жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

1. Актёр тарбияси ва шакилланишида сўзнинг интонациянинг таъсири

Инсоннинг овози хилма-хил психологик ранглар билан бой, шунинг учун ҳам ҳар бир куйловчи актёрга асосий вазифаси ўз товушининг рангларини ривожлантириш, мураккаб ижрочилик санъатини эгаллашдир, бу унинг ижодий негизи ва шу билан бирга актёрга индивидуал ижодининг белгиловчиси бўлиб, унинг энг юқоридаги ижрочилик маҳоратининг категориясидир. Қандай қилиб овоз товуши билан у ёки бу мусиқали аҳволни, иштирок этувчининг кайфиятини тасвирлаши мумкин ва туйғуларни ифодалаш учун қандай оҳангни ишлатиш керак?

Биз оддий мусиқали оҳангни, яъни бирон куй ёки нотанинг айтилишини, товушларнинг ўзаро боғланишини эмас, балки товушнинг маъноли оҳангини назарда тутяпмиз. Масалан, инсон бир хил товушда «сени севаман» ва «сендан нафратланаман», деган гапни айтолмайди. Ҳар бирида, албатта, ўзига яраша оҳанг ишлатилади, яъни маъносига мос бўлган интонация. Демак, куйлашнинг ўзи ва унинг техникаси куйловчи актёр бўлиши учун етарли эмас. Қўшиқ ижросида машҳур санъаткор, актриса, профессор Саодат Қобулова оҳангга жуда катта аҳамият берар эди. У товушнинг интонациясини ижро этаётган тимсолнинг таърифига, аниқ вазият билан боғланган руҳий ҳолатига мослаштиради, интонация орқали ҳамкорига ва томошабинга эмоционал таъсир этарди. Берилган шарт-шароитда тимсолнинг оҳангни, яъни товушнинг интонациясини қидириш жараёни-бу вокал санъатини хатти-ҳаракатли қиласиган ва мусика орқали ёзилган драмани ифодалайдиган энг муҳим нарсадир. Педагог-режиссёр талабалар билан биргаликда роль устида ишлаган вақтда унга нафақат ифодавий воситаларининг (ритм, темп, динамика, нозик фарқлар ва улардан келиб чиққан актёрлик маҳоратининг вазифалари)

муҳимлигини тушуниш, балки техникасининг асосини ҳам билиш кераклигини тасдиқлайди. Бу педагог-режиссёр талабанинг диққатини хонандалик техникасининг элементига жалб қилиш керак экан, деган гап эмас. У талабаларнинг диққатини, керакли ифодавий воситаларини топишга йўналтириши керак. Гап айрим бир маънода, «тovушнинг режиссураси» ҳақида кетаяпти деб тушунишимиз мумкин. Албатта, педагог-режиссёр, товушни йўлга солиш, уни чиқариш, чўзиш каби масалалар билан шуғулланиши керак эмас, аммо образдан, жанр таърифидан ва қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб, товушнинг тембр, эмоционал, психологик рангларини билиб, у талабага нафақат сўзнинг, балки товушнинг ҳам мағзини чақишига ёрдам бериши мумкин. «Оддий ААА товуши билан биз дилимиздаги ҳиссиётни ифодалашимиз мумкинлигини тушунасизларми?», -деб сўраган эди К.С.Станиславский, куйловчи актёрнинг товушига керакли психологик рангини тузилишига ёрдам бериб. «Лекин бошқа ААА товуши бор. У берк, бўғиқ, ташқарига эркинлик билан чиқмасдан, ичкарида қолиб, худди ғордан ёки тобутдан келаётган даҳшатли, машъум овоз бўлиб, ғўнғиллаб акс садо этади. Маккорона ААА товуши ҳам бор. У парвонадай учиб чиқиб, парма каби дилга кириб, асабни бузади. Қувноқ ААА товуши ҳам бор. У дилимиздан ўқдай отилиб чиқади»¹.

Қўйилган ижодий масалага қараб, товушнинг керакли характеристига эга бўлган жаранглашни сўзда, товушда ҳам топа билиш, ижроидан айрим интонацион маҳоратга эга бўлишлигини талаб қиласи. Инсон хилма-хил психологик рангларни, ўз товуши орқали бериш имкониятлари чексиз. Устозларнинг кўпчилигига ижодий фикрларнинг ниҳоятда кичик ўзгаришлари, дарҳол товушнинг психологик рангига акс этади.

Рассом ёруғ-соя ва бошқа бадиий-ифодавий воситалар орқали суратда ўзининг психологик ва эмоционал мазмунини ифодаласа, куйловчи актёр ҳам

¹ К.С.Станиславский собр.соч. 3 т,М.1955, 71 б.

ўзининг индивидуал хусусиятлари билан мусиқий спектаклнинг фикрини бойитади. Лекин, қуйловчи актёрларнинг бошқа категорияси ҳам борки, улар факат бастакорнинг фикрини ташқи шаклига эга бўлишади. Улар мусиқий матнни механик равишда ўрганиб, ритм билан боғланган товушни «тўғриларча», керакли жойда кўтариб ёки пастга тушириб, бизга «куйлайдиган қўғирчоқларни» эслатадилар. Бундай хонанда ҳақиқатан ҳам бастакорнинг фикрларини ва туйғуларининг нусхасини кўчирувчиси бўлади. Улар на санъаткор, на ижодкордирлар. Айнан шундай қуйловчи санъатимизга катта зиён келтиради.

Маълумки, драматик театрда интонация масаласи ман қилинган. Мусиқали театрда эса у бутунлай бошқа маънога, бошқа аҳамиятга эга. Гап, интонацияни Шаляпин тушунган маънода, маънолилик ҳақида кетар экан, биз актёр «қандай» куйлаяпти ва «қандай» деган сўзда «нимани» ифодалаётганини тушунишимиз керак.

Хонандаларимиз оҳанг, яъни интонация ҳақида ўйламайдилар, деса ҳам бўлади. Баъзан қобилиятли актёрда у ўзидан ўзи пайдо бўлади. Лекин интонация устида биз атайин иш олиб бормаймиз. «Интонация» сўзидан ҳайиқиб, биз бу муаммони умуман олиб ташладик. Интонацияни топиш бу тимсолнинг ечимиға ўз ҳиссасини қўшиш деганидир.

«Мусоргскийнинг бирдан бир, ягона оҳангини топдим»,² - деган эди Шаляпин. Гап деталлар ҳақида ёки ҳар хил интонацион усуллар ҳақида кетмаётганлигини тушуниб турибмиз. Гап инсон ҳаётининг, «инсон руҳий ҳаётининг», халқ ҳаётининг, унинг инсоний, ижтимоий ғояси ҳақида, умуман ўзида кўп компонентларга эга бўлган, катта умумлаштиришлар ҳақида кетаяпти. Нотанинг, жумланинг, сўзнинг, ролнинг интонацион бўёқлари бу тимсол устида бўлган бадиий ишнинг натижасидир. Қаҳрамоннинг интонациясини қидириш сахна ҳақиқатини излаш деганидир. Улар ҳақиқий

² Ф.И. Шаляпин «Маска и душа». Нашр. «Искусство» 1976, 295 б.

тимсол билимларининг натижасида яратилади. Интонация бу бизнинг ижодий ишларимиз, бизнинг изланишларимиздир. Аммо бу ижодий ишлар, бу изланишлар асарнинг мусиқий-драматургик материалини, унинг моҳиятини сидқидиллик билан ўрганишдир. Интонация устидаги иш бу ролнинг ички моҳиятини ҳаяжонлантирадиган илмоқларини қидиришдир. Афсус дирижёрлар, режиссёrlар, актёрлар саҳнада кўпинча тингловчини ҳайратда қолдирадиган, маълумот бермайдилар. «Пиано», «форте» бор, хонанда қўшиғини ўз вақтида бошлияпти, демак, ҳаммаси яхши. Хонанда бастакорнинг улуғ асарини ўрганиб томошабинни ҳайратда қолдирмасдан, унга фақатгина маълумот беради, чунки ҳайрат бўлиш учун инсоннинг ўзи, унинг қалби ҳаяжонланиши керак.

Куйловчи актёр бастакорнинг ғоясидан ҳаяжонланса, ифодалаб бериши мумкин. Ёзганларининг ҳаммасини жуда таъсирли ва ёрқин ифодалаб бериши мумкин. Буларсиз интонация қидириш жараёни бефойда бўлиб чиқади. Интонация бу мақсаддир. Унга актёр тасаввур орқали эришиши мумкин. Куйлаётганини тасаввур қилиш «кўриш» жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга жараёндир. Шунингдек, энг муҳими бу актёрга, талабага тўғри интонацияни топиш, ашуласининг ҳар бир жумласида маънолилик истагини яратишга ёрдам беришдир.

Хонанда санъатида, унинг интонацион ифодавийлигида ижрочининг нафақат характер хусусиятлари ва индивидуал, ўзига хос бўлган ечиш имкониятлари, балки муаллифнинг ғояси ва саҳналаштириш керак бўлган асосий моҳияти ҳам белгиланган. Шунинг учун ҳам Шаляпин куйловчи актёрга вокал тимсолининг иш жараёнида, унга мос яққол бадиий оҳангни қидиришнинг аҳамиятини астойдил белгилайди. Ўзининг хотираларида шоҳ Иван Грозний тимсолнинг изланиш йўлларини сўзлаб берганда, у шоҳнинг ёвуз эмас, балки актёр бўлиб чиққанини, белгилаб ўтган эди. «Кирайми, йўқми,-деган биринчи жумламни мен ачитиб, киноя, икки юзламачилик билан гапирав эдим. Бу шоҳни бўш қилиб, унга хос бўлмаган фазилатларни кўрсатар

эди. Бу ҳали шоҳ тимсоли эмас, балки сояси, кичик белгисидир. Шоҳ Иваннинг биринчи жумласида, тимсолнинг мағзи, унинг асосий моҳияти белгиланганлигини тушундим. Саҳнани тақрорладим. Кучли, даҳшатли, қаҳри-ғазаб овози билан ваҳшиёна бўкириб, ғазаб билан хонани қараб чиқиб, мен саволимни тақрорладим. Атрофдагилар қўрққанидан қотиб қолишиди. Бир жумланинг тўғри топилган интонацияси, заҳарли илонни баджаҳил арслонга айлантириди. Шу интонация «поездни» керакли йўлга солди, у эса хуштакини чалиб, ўқдай учиб кетди. Хонанда санъатининг бутун кучи-тўғри олинган оҳангда, сўзнинг ва жумланинг тўғри топилган рангида».¹

Классик бўлиб қолган таърифнинг маъноси нимада? Инсон оддий сухбатда ҳам ўз фикрини ифодалаш учун нафақат сўз, балки уни таъкидлаш учун ифодавий талаффузни ҳам ишлатади. Инсоннинг оҳангига, яъни унинг ҳар хил рангларга ва тусларга ўтиш қобилиятида, катта ифодавий имкониятлар бор. Агарда инсон ўз нутқида сўзларни керакли оҳангда талаффуз этмаса, унда унинг нутқи жонсиз, бир хил, монотон бўлади. Шундай қилиб, бир жумланинг оҳangi, Грозний тимсолни тушунишга ёрдам бериб, уни фикр нурлари билан бойиттириди ва керакли шароитни топиб, у буюк ижодкор бўлганлиги учун шу шароитни спектаклда ҳам яратди.

Хонандалик мусиқанинг ифодавий илдизлари, нутқ илдизлари билан бирдир. Бастакор ўз асарида, уларни мусиқага хос шартли белгилар орқали тасдиқлайди. Аммо бу белгилар куйнинг психологик рангини, жонли моҳиятини, маъносини эмас, балки фақатгина интонациянинг шаклини, яъни овознинг кўтарилишини ёки пастга тушишини белгилайди холос. Шоирнинг сўзи каби, бастакорнингnota белгилари, бу муаллиф фикрларининг ички моҳияти эмас, балки ташқи шаклидир. Фақат қуйловчи актёр шу жонсиз белгиларни, сўзларни онгли равишда ўз руҳий ҳолатидан, жонидан ўтказиб, уларни ўзиникидай қилиб олиб, жонлантириши мумкин. Матндан келиб чиқиб, улар мусиқий асарни ўзига хос бўлган интонация билан овознинг

1. Ф.И.Шаляпин «Маска и душа» Наш. «Искусство» 1976 й. 29 б.

психологик ранглари орқали ижро этадилар ва эҳтимол, бастакорнинг ўзида етилиб бормаган, мусиқий тимсолларнинг қирраларини ҳам кўрсатадилар. Психологик интонация, сўзнинг маъноли ранги бу куйловчининг ҳамма ифодавий воситаларидан энг керакли бўлиб, шу воситани аниқлашда актёрнинг ижодий индивидуал томонларини, маҳоратини аниқ равища белгилайди. Бундай оҳангнинг «тўғрилиги», сўзнинг, жумланинг керакли ранглари, ўзидан ўзи мусиқий матнни ёдлаш натижасида пайдо бўлмайди. Бу тимсол устида онгли равища ишлаш, яъни мусиқий партитурани таҳлил қилишда, тарихий материални ўзлаштиришда, олий мақсадни англашда ва бутун хатти-харакат давомида, ролнинг маъноли вазифасини тушунишда, унинг жисмоний ҳолатини ва иккинчи планини топишда ва ҳоказоларда ифодаланади.

Шундай қилиб, интонация, вокал тимсолни яратиш ва «инсоннинг руҳий ҳаёти»ни кечириш воситаси бўлиб, ижрочи олдида турган ижодий масалаларга жиддий қараганлигининг натижаси бўлади ва саҳна-тимсолнинг устида умумий ишнинг жараёнида етиб келади. Шу сабабли режиссёр-педагогнинг олдида турган муҳим вазифаларидан бири бу мусиқа нутқнинг ифодавийлигининг устида ишлаш, оҳанг ҳаракатларини қидириш жараёнида талабаларга фаол ёрдам бериш, чунки берилган шарт-шароитда тўғри белгиланган хатти-харакат, керакли оҳангни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

2. Саҳнада актёрнинг жисмоний маданиятини ривожлантириш, тўйғу, мантиқ ва изчилликга эришиш

Талабалар билан танлаб олинган асар устида ишлар эканмиз албатта мана шу сўз юритмоқчи булган фикрларга туқнаш келамиз. Биз талабалардан ролнинг фожеали жойларига кучаниш ва зўрланиш билан ёндошиши у ёқда турсин, ҳатто кўпчилик актёрлар қилгандек, бирданига ҳам эмас, балки астасекин, изчиллик билан, мантиқан бирин-кетин келаётган жисмоний хатти-харакатларнинг кичик ва катта ҳақиқатини сезмоқ ҳамда уларга самимий

ишонмоқ кераклигини ўқтирамиз. Купинча биз сезиларли, кўринарли, тушунишимиз осон бўлган жисмоний ҳатти-ҳаракатларнинг мантиқ ва изчиллигига қараб иш тутамиз.

«Туйгуниңг мантиқ ва изчиллиги» дек мураккаб масалани қандай ҳал қилиш мумкун.

Биз олимлар эмас, актёрлармиз. Бизнинг соҳамиз-фаоллик, ҳатти-ҳаракат. Биз амалиётдан, инсонлар тажрибаси, ҳаётий хотиралар, мантиқ ва изчилликдан фойдаланамиз, саҳнада қилаётган ишимизнинг ҳақиқатлигига ва ишончлилигига эришмоғимиз даркор.

Актёр ўз-ўзимизга: «Агар мен реал ҳаётимда фожеавий даражада чорасизлик ахволига тушиб қолсам нима қиласдим?» деган саволни беришдан иборат. Фақатгина ана шу саволга инсонларча жавоб беринг, бўлди, бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

«Фожеавий даражада чорасизлик» ҳолатига, яъни мураккаб руҳий ҳолатга тушиб қолсам, нима қилган бўлардим?-деган саволга сиз қатор ғоятда мантиқли, изчил ҳатти-ҳаракатлар билан жавоб берасиз.

Туйғу мантиқи ва изчиллиги сингари мураккаб руҳий масалани ўзимиз еча олмаганимиз учун, уни ўз ҳолига қўйиб турамиз ва текширишни бўлак, бизга тушунарли бўлган соҳа, ҳатти-ҳаракатлар мантиқига кўчирамиз.

Жисмоний ҳатти-ҳаракатларнинг мантиқий ва изчил ташқи кўринишини яратар эканмиз, агар синчиклаб қарасақ, ичимизда бу йўлга ёндош ҳолда бошқа ҳис-туйғуларимизнинг мантиқий ва изчил йўли ҳам пайдо бўлади. Бу тушунарли: ахир, ички ҳис-туйғуларимиз биз учун ҳатти-ҳаракатларни сездирмаган ҳолда пайдо қиласди, улар ҳам ана шу ҳатти-ҳаракатларнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланган.

Исботланган жисмоний ва руҳий ҳатти-ҳаракатларнинг мантиқи ва изчиллиги ҳаққонийликка ва ҳис-туйғуларга ишончни вужудга келтиради.

Кундалик ҳаётимиз тажрибаларини, ҳис-туйғуларимизни қайта ўрганиб чиқмоғимиз лозим.

Хис-ҳаяжон соҳасида биз яна ўша ҳар доим ҳозиру-нозир-мантиқ ва изчилилликка рўбарў келамиз.

Мана энди ижодий кечинма жараёнида мантиқ ва изчилилкни ҳис қилиш ҳақида гапирсак.

Бу масалани қандай бўлмасин ҳал қилиш керак. Ростдан ҳам, ҳақиқий кечинмага асосланган бизнинг санъатимиз мантиқ ва изчилилкни туйғусини четлаб ўтолмайди-ку. Ахир уларсиз ҳақиқат ҳам, қолаверса, ишонч ҳам, «мен мавжудман» ҳам, бизнинг санъатимиз, ижодимиз, кечинмамизга асосланган барча аъзоларимизнинг беихтиёрийлиги ҳам йўқ-ку.

Бу масалага илм нуқтаи назаридан эмас, ўзимизга жуда яхши таниш бўлган, тажриба, амалий билим, ҳис-ҳаяжон, кўникма, одатлар ва бошқа-бошқаларга бой ҳақиқий ўз шахсий ҳаётимиз нуқтаи назаридан қўриб чиқайлик.

-«Агарда мен талқин қилаётган ролимнинг берилган шарт-шароитига тушиб қолсам, одамларча нима қилган бўлардим?», деб ўз-ўзингиздан сўранг.

Бу саволга шунчаки, расман эмас, балки рўйи-рост ва самимий жавоб беринг. Бу саволга на фақат ақл, асосан туйғу билан ирода катнашсинлар ва жавоб берсинлар.

Бу ҳам ҳали кам, мен жавобни сўзлар орқали эмас, жисмоний хатти-ҳаракатлар орқали олишни истардим.

Инсон руҳий ҳаётининг ички, руҳий ҳолатининг мантиқ ва изчилигини англамоқ ва аниқламоқ учун, биз танамизнинг муайян, бизга тушунарли, аниқ жисмоний хатти-ҳаракатларига мурожаат этамиз. Биз уларнинг мантиқ ва изчилигини руҳий атамалар эмас, балки жисмоний хатти-ҳаракатлар орқали англаймиз, аниқлаймиз ва қайд қиласиз.

Агар улар чин, самарали ва мақсадга мувофиқ бўлса, қолаверса ичдан самимий инсоний кечинмалар билан тасдиқланган бўлса, унда ташқи ва ички ҳаёт орасида чамбарчас боғлиқлик пайдо бўлади. Ижодий мақсадларнинг амалга ошишида ана шундан фойдаланиш керак.

Инжиқ, тутқич бермас түйғулардан кўра, бизга яқинроқ жисмоний хатти-ҳаракатларга мурожаат қилишимиз, уларни ўз ички истакларимиздан қидиришимиз, керакли маълумотларни инсон сифатида ўзимга жуда яхши таниш бўлган ҳаётий тажрибаларимиздан оламиз. Бундай пайтларда ўз хотиротларимга ва табиатимга берилиб кетаман.

Сиз у ёки бу ҳолатни, у ёки бу туйғуни талқин қилмоқчи бўлар экансиз, энг аввало: «Ана шунга ўхшаш шароитга тушиб қолсам мен нима қилар эдим?», деб сўранг. Ёзиг олинг, хатти-ҳаракатга айлантиринг ва уларни айнан худди шундай қилиб ролингизга кўчиринг. Агар пьеса кучли бўлса ва унда ҳақиқий ҳаёт тасвирланган бўлса, у ҳолда хатти-ҳаракатларимизнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, қисман мос келиши мумкин.

Янги ролингизга тааллукли ана шундай савол ва жавобларни ёзиг боришингизни жуда ҳам маслаҳат қиласман. Бу шунинг учун ҳам фойдалики:

Ёзма савол ёки жавоб вақтида аниқ нишонга урадиган сўзни қидириб топишингизга тўғри келади. Буни эса саволга чукур тушуниб олмасдан қила олмайсан.

Актёр учун бундай ёзувлар бебаҳо ижодий маҳсул ҳисобланади.

Бир тасаввур қилинг-а, бора-бора актёрлик фаолиятингиз даврида сиз тўқнаш келишингиз мумкин бўлган, пьеса ва роллардаги барча ички ҳолат ва кайфиятларга мос келадиган ана шундай ёзувлар аста-секин тўпланиб қолади.

Ростдан ҳам, агар кишининг эҳтиросларидан яратиладиган барча баъзи онларининг рўйхати бизнинг ихтиёrimизда бўлганидами, агар биз ана шу рўйхат бўйича яратадиган эҳтиросимизнинг ҳар бир таркибий қисмини мантиқан ва изчил кечинганимиздами, баъзи бир актёрлар сингари, уни бирданига қамраб олишга ошиқмасдан, аста-секин, қисмма-қисм ўрганиб чиқкан бўлардик.

Бу ёзувларда сиз ҳис-туйғулар хотирангизга руҳий маҳсулингизнинг каттагина қисмини қўшган бўласиз. Бу жуда катта гап: ахир бу ҳиссиётнинг мантиқи масаласини ўрганишимизда жуда қўл келиши мумкин.

Мана, масалан, севги... Бу инсоний эҳтирос қандай пайтларда шаклланади-ю ва у қандай хатти-ҳаракатларга ундаиди?

Сиз ана шу хатти-ҳаракатларнинг ҳар бирини фикран тўғри, далиллар билан, чуқур ўйлаб, самимий ва тўла-тўқис бажарсангиз, аввалига севиб қолган кишининг ташқи, кейинчалик эса унинг ички ҳолатига ўхшаш хатти-ҳаракатларга яқинлашасиз.

Ҳар томонлама тўла-тўқис пъесада ана шундай ҳолатларнинг ҳаммаси ёки энг муҳим томонлари у ёки бу даражада намоён бўлиб туради. Актёр уларни излай бошлайди ва ўз ролидан топади. Ана шундай талаблар билан биз саҳнада бир қатор вазифа ва хатти-ҳаракатларни бажарамиз, натижада уларнинг мажмуудан ҳосил бўлган ҳолатни севги деб атаймиз. У «умуман» эмас, қисмма-қисм яратилади. Актёр бундай ҳолларда ошириб ўйнамайди, балки хатти-ҳаракат қиласи, актёрларча қилиқ қилмайди, балки инсонларча кечинади, у туёғунинг моҳиятини бачканалаштирумайди, балки уни ҳис қиласи. “Саҳна хатти-ҳаракати маъноли, мантиқий ва кетма-кет бўлиши керак”- деган эди К.С.Станиславский. Шунинг учун ҳам педагогнинг асосий вазифаси бу-талабани тўғри мақсадга йўналтиришдан иборат. [2.К.С.Станиславский Танланган асарлар. 2-жилд, М., 1954 й. 57-б.].

Аммо ўзлари талқин қилаётган туйғунинг асл моҳиятини чуқур ўйлаб ва тушуниб етмаган кўпчилик актёрлар севгини «умуман» катта бир кечинма деб тасаввур қиласидилар. Улар катта кечинмалар бир қанча алоҳида лавҳалар ва лаҳзалардан ташкил топишини унутиб қўядилар. Уларни яхши билмоқ, ўрганиш, ўзлаштиromoқ ва ҳар бирини алоҳида бажармоқ лозим. Бусиз актёр бир қолиплик ва ҳунарпазликнинг қурбони бўлишга маҳкум.

Аммо афсуски, актёр учун ўта муҳим бўлган туйғуларнинг мантиқ ва изчилиги соҳаси ҳали саҳна талабларига татбиқ этилмаган.

Бутун ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборувчи мудҳиши хабар, актёрлар театрда кўрсатгандаридек, бирданига таъсир қилмайди: ҳозирча ҳеч нарсадан хабари йўқ у қувноқ ва хотиржам; ҳали хабар топмасданоқ - у ўзини у ёқдан бу ёқка ташлаб ёқавайрон бўла бошлайди. Ҳаётда эса бундай мудҳиши

фалокатни, кескин ўзгаришни англаб етиш бир қатор изчил ва мантиқий лаҳзалар, рухий босқичлар орқали рўй беради.

Савол ва топшириқлар:

1. Сўз устида ишлаш деганда нимани тушинасиз?
2. Мусиқали театр актёрлиги тарбиясида сўзнинг ахамияти деганда нимани тушинасиз?
3. Интонация нима?
4. Туйғу тушинчаси нима?
5. Изчилликга эришиш учун нималарга ахамият бериш керак?
6. Топшириқлардан келиб чиқиб саҳна кўриниши тайёrlаш

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева М. ”Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати” – “Тафаккур қаноти” нашриёти-Т.: 2014.
2. Махмудова Х.-“Актёрлик маҳорати” фани мажмуасидан машқлар матн. -Т., 2016 й.
3. Джуманов И. Бадиий сўз маҳорати.-Т., 2015.-157 б.
4. Зуфаров У. Саҳна талқини ва таҳлил.-Т.:Мусиқа, 2007.
5. Исмоилов А, Усмонов Ш, Исмоилов Д, “Саҳна ҳаракати ва жанги”. Т.: Наврӯз, 2015.-265 б.
6. Маҳмудов Ж. Актёрлик маҳорати. ЎзДСМИ, 2005.
7. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи. Т.: Ижод дунёси, 2003.
8. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
9. Расулов С. Экран санъатида тасвирий ечим ва унинг асослари.-Т. ЎзДСМИ, 2008.-172 б.
- 10.Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. -Т.: Фан ва технология, 2012.
- 11.Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси С.Муҳамедов муҳаррирлигига. Т. Янги аср авлоди. 2010.

4-мавзу. Актёр ва мезансаҳна. Актёрлик санъатида хорижий тажриба ва унинг ахамияти. (2 соат).

Режа:

- 1. Саҳнада актёр тарбиясида мезансаҳнанинг роли ва таъсирини этюдларда синаш**
- 2. Актёрлик маҳоратини ривожлантиришда хорижий тажриба, К.С.Станиславский мактаби**

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантиқий – изчилиқ, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

1. Саҳнада актёр тарбиясида мезансаҳнанинг роли ва таъсирини этюдларда синаш

Этюдда талабалар жонли ҳарактерлар асосида образ яратишга уринмайдилар. Балки, қатнашувчилар ўз исмлари, ўз шахслари тимсолида ўзларига таниш ва яқин бўлган воқеа, шароитдан фойдаланиб ҳаракат қиласдилар. Иш жараёнида талабалар орасида ўз-ўзидан жонли ҳарактер хусусиятлар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бунда педагог эҳтиёткорлик билан ёндошиши, уни чарҳлаши, ривожлантириши керак бўлади. Боиси, ўз ҳаётий тажрибаси асосида ўз ҳаракат мантиқини тузиш, саҳнада табиий, жонли ҳаракат қилишга интилиш вазифасининг ўзи талаба учун ниҳоятда мураккаб эканини унутмаслик лозим. Бу вазифани қониқарли, талабга мувофиқ равища бажариш актёрлик маҳорати сирларини эгаллаш йўлида жуда катта қадамдир. Этюд биринчи курснинг иккинчи ярмида, турли техник машқлар билан бирга олиб борилади. Юқорида ўтганимиз кўплаб машқ мисолларини секин-аста янгидан-янги шарт-шароитга мослашган ҳолда этюдга айлантириш мумкинлигини таъкидлаб ўтган эдик. Оддий бир машқнинг этюд даражасигача шаклланиш босқичларини кўриб чиқамиз. Талабага оддий

ҳатти-харакат – бирор-бир қутини очиб кўришни, у ерда унга аталган совға борлиги айтилади. Табиийки талаба қизиқиши билан қутини очади. Қути ичида ҳеч нарса йўқ эканини қўриб кутилмаган бу холатдан ҳайрон бўлади. Унинг юз ифодалари, ҳатти-харкатлари органик равишда табиий содир бўлади. Бунинг сабаби вазият ва воқеа талаба учун ҳақиқатдан ҳам тасодифий хисобланади. Педагог талабадан ушбу машқни яна бир бор қайтаришни сўрайди. Бу сафар талаба учун тасодифийлик таъсуроти йўқолади ва у аввалги ҳатти-харакатини эслаб уни айнан қайтаришга уринади. Табиийки эндиликда унинг ҳатти-харакатларида табиийлик, органиклик хусусияти йўқолади. Педагог талабанинг хатоларини тузатиб воқеа токрорланиши жараёнида ҳам ҳатти-харакат мантиқийлигини аниқлашга йўл кўрсатиши керак. У талабага аниқ ва маълум мезансаҳнани тақрорлаш эмас, қути ичидағи нарсага қизиқиши ва унинг ичида ҳеч нима йўқлигини “тасодифий” равишда билиш жараёнини ифодалаб беришга ундасин. Бунинг учун воқеага янгидан янги талаб ва саволлар қўйиб шу орқали мантиқий давомийлик аниқланади. Хўш, қути талабага ким томонидан ва нима учун берилди? Қутининг кўриниши, ҳажмини аниқлаш, унинг ичида нима борлигига қизиқиши керак. Балки қутининг ичида талаба орзу қилган буюм бордир? Шу хаёлнинг ўзи бир неча сония ичида талаба онгига катта орзу-мақсад, тасаввурлар уйғотади. Ва бу унинг нигоҳида ҳам ўз ифодасини топади. Қутини очгач, унинг ичи бўш эканидан ҳайрон бўлади. Сўнг бунинг сабабини излашга уринади.

2. Актёрлик маҳоратини ривожлантиришда хорижий тажриба,

К.С.Станиславский мактаби

Станиславскийнинг кашфиёт қилган техника ва услубини тезкор хаётимизда йўқ қилиб ташлашдан эҳтит бўлиш керак. (кўпинча контекстлар олиб ташланади). Биринчи қадамданоқ сўрамаса бўлмайди : “Мен қандай қилсан яхши актёр бўла оламан? Ҳар доим биринчи савол бўлиш керак: Актёрларнинг яхши ижроси нима дегани? Жавоб эса олдингидай бўлади:

“Қачонки у жонли бўлса” . Ажабланарлиси биз доим ўша нуқтага қайтишимиз керак, акс ҳолда биз излаган нарса йўқолади.

Бир неча кун олдин бир чет эллик одам кўчада ёнимга келиб мендан инглиз тилида сўради: “Кечирасиз, илтимос. Белсайз паркига қандай боришимни айтаолмайсизми?” Мен унга жавоб бердим. У менга қарадида ва қаттиқ акцент билан: “Мен аниқ ўша манзилни топганимни қандай англаб оламан?”. Бу жуда ўринли савол эди. Англашни ўрганиш- бу демак барча соҳада хаётий мухим нарсаларни билиб олишдир.

Борлиқни англаш Станиславский учун катта ахамият касб этарди. Мисол учун, актёр персонажига юклатилган меёрни кўришни ўрганиш керак. Станиславский “Берилган шарт-шароит” га катта ахамият қаратган. Ғоя аниққа ўхшайди, аммо ўта нозик. Хаётда барча нарса тугалланган бўлишини у жуда яхши биларди. Биз яшаётган катта бир дунёда кичкинагина хаётий хақиқатни кўриш учун персонаж ва хатти-харакат доим “Берилган шарт-шароит”га боғлиқ бўлади. Инсоният тақдири саёрамиз соғлигига боғлиқ. Биз вакуумда яшайолмаймиз.

Афсуски Станиславский афсонага айланган ва бу нарса унга ёмон томондан хизмат қилди. Кўплаб буюк мутафаккирларга ўхшаб. Станиславский айrim доимий тўқнашувлар билан камтаринлик ва соддаллик орқали курашиб келди. Кўпинча натижаси аксинча бўлган. Балки шунинг учун барча нарсаларни енгиллик билан тан олди.

Масалан, у билган театр иккита қитъага бўлинишини, шакл ва мазмунга. Эндиликда Станиславский актёрнинг кечинма санъатига мафтун бўлган. “Уч опа-сингиллар” спектакли учун кичкинагина бир товушли эффектдан иборат бўлак ўйлаб кўйилган эди. Чехов навбатдаги ижрода - “Ажабланарли эмасми шундай ёзнинг иссиқ бир кунида мана шундай жойларда сизлар чигиртка товушини эшитмасангиз”-деб пўписа қилганди. Хеч қандай бўм-бўш, сохта театр жестлари бўлмади, бунинг учун Станиславскийдан хафа бўлишганди.

Асосий биринчи ишларидан “юзакиликдан” қочиш, театр “хақиқат”дан устун бўлиши эди. Агар театр яшаш хукуқига эга бўлмоқчи бўлса, театр бу

иккита ечимга мухтож,-деган англашилмовчиликка бу фикр тенглаштирилади. Биз яшшимиз учун саҳнада ўйнашимиз керак, аммо ўта ўйинқароқлик жазавага олиб келади. Муқаддасликни, мўътабарликни, ер ва мовий осмонни, покланишни қўпол хўрлаган, шоу-бизнесга айлантирган ҳолатлардан бу икки хил қитъа орасидан Станиславский хам бошқа буюк инсонларга ўхшаб айланиб ўтади. Бир қитъага эътибор бермаслик қисқа келажакда ўзликни хис қилиш учун қулайдир, аммо бу нарса баддийликда ўз жонига қасд қилишга олиб келади. Яхши хаёт кечириш учун биз хаос ва тартиблилик ўртасида нозик муросима ўрнатишимиш керак.

Станиславский бошқа буюк мутаффакирлар каби зиддиятларга кўп учраган. Масалан у “Професионал”ликни орзу қиласр эди. Замондошлари у талантли актёр эканлигини тан олганлар, аммо унинг ўзи ҳали бу нарсага тайёр эмаслигини қалбининг бир четида сезиб туради. Унинг услуби талабаларни актёр бўлишга ўқитишигина эмас, талабанинг ўз ичиди “профессионаллик”ни тарбиялашдан иборат. Хақиқатдан мана нарса Станиславскийни улуғлигини исботлайди. Унинг донолиги -у билимсизликни билган.

Станиславский бир гурух хатти-харакат қилаётган актёрларни кўрганда, режиссёр сифатида у энг суст актёрларни биргаликда энг кучли актёр қилиб етиширишга ёрдам бериш керак эканлигини англади. Ўзининг хаётий фаолияти давомида актёрларга ёрдам бериш ва уларни яхшироқ хатти-харакат қилиши мақсадида бир қанча машқларни кашфиёт қилди. Унда хеч қандай буюк режалар йўқ эди. У хар доим шарт-шароитга диққатини қаратарди Уни ўзининг берилган шарт-шароитлари доим қуршаб туради. Хар доим хамма нарса ўзгариб тургандай шарт-шароит хам ўзгаради. Хар бир тизим революцион характерга эга бўлади ва албатта у муваффакиятсизликка учраб туради.

У ўз фикридан тез-тез айниб, ўзгариб туради. Унинг хар бир талабаси кузатувлари ёддан кўтарилимаслиги учун уларни ёзиб олиш мақсадида кундалик дафтар тутишга мажбур қилган.

Кўп йиллар давомида айниқса айниқса, революциядан кейин устозини фикрларини хотирасига муҳрлаган шогирдлари хар томонга тарқаб кетдилар, Константина Сергеевичнинг зиддиятга бой фикрлари давр ўтиши билан, вақтинчалик бир тизимга тушиши мумкин. Шунинг учун унинг шогирдлари хам жиддий норозилик фикрларни жуда кўп билдирадилар. Буларнинг кўпига Константин Сергеевич ўз розилигини билдирган бўларди. Аммо у, шу фақат битта хақиқат йўли,- деган шогирлар фикрига қўшилмас эди.

Станиславский қалбida буюк ғоялар шаклланаётганини қўрган ўша даврнинг давлат раҳбарлари чўчиб турар эди. Албатта аввал улар ноўрин инсоний ўлчовлар бирлигини йўқотиши керак эди. Советлар Союзи турли хил таг маънога эга метафоралардан қўрққани учун, айrim давлат хизматчилари унинг назариясини сталинчилик натурализми учун бузиб ўзгарттирган. Аммо саёранинг кесишмасига қўра, бошқа тақдир унга дуч келди. Станичславскийнинг яна бир принципларидан бири -актёрлар кутилмагандан таъсиrlаниб партнёри билан шу вақтда адаптация қилишга шароит яратади. Лекин қўшма Штатларда уни айrim вақтларда ансамблдан йироқ ҳолда ўзини катта ижро қилган роли билан якка юлдуз бўлиб жамоадан ажralиб туради. Шу йўсинда ўтган даврнинг асосий қисмида Станичславский коммунистик фикрларни яъни ҳар бир инсон ўз дилага эга деб сингдириб кетган. Хозирги даврдаги тоталитар тузумни ўсиб бориши тоталитар тузумни емирилишига рахна соляпти. Станичславский хам фундаментализмнинг раҳнаси остида турибди. Буюк руҳий йўлбошловчилар шуни таъкидлайдики, қонун билан руҳий қонун ўртасида қарама қаршилик бўлади, лекин инсон руҳий ҳолатни ўзида хис қила олиши керак.

Савол ва топшириклар:

1. Саҳнада актёр тарбиясида мезансаҳнанинг роли ва таъсирини этюдларда синаш
2. Актёрлик махоратини ривожлантиришда хорижий тажриба, К.С.Станичславский мактаби
3. Мезансаҳна деганда нимани тушинасиз?

4. Мезансаҳнанинг ролга таъсири қай даражада мухум?
5. Этюд тайёрлаш?
6. К.С.Станиславский ким?
7. Хориж театрлари тўғрисида нималарни биласиз ?
8. Хориж актёrlаридан кимларни ижодига қизиқасиз?
9. Топшириқлардан келиб чиқиib саҳна кўриниши тайёрлаш

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева М. ”Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати” – “Тафаккур қаноти” нашриёти-Т.: 2014.
2. Махмудова Х.-“Актёрлик маҳорати” фани мажмуасидан машқлар матн. -Т., 2016 й.
3. Джуманов И. Бадиий сўз маҳорати.-Т., 2015.-157 б.
4. Зуфаров У. Саҳна талқини ва таҳлил.-Т.:Мусиқа, 2007.
5. Исмоилов А, Усмонов Ш, Исмоилов Д, “Саҳна ҳаракати ва жанги”. Т.: Наврӯз, 2015.-265 б.
6. Маҳмудов Ж. Актёрлик маҳорати. ЎзДСМИ, 2005.
7. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи. Т.: Ижод дунёси, 2003.
8. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
9. Расулов С. Экран санъатида тасвирий ечим ва унинг асослари.-Т. ЎзДСМИ, 2008.-172 б.
- 10.Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. -Т.: Фан ва технология, 2012.
- 11.Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси С.Муҳамедов муҳарриргида. Т. Янги аср авлоди. 2010.
- 12.Туляходжаева М., Қозоқбоев Т. Драма назарияси.-Тошкент ЎзДСМИ, 2014.
- 13.David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 амалий машғулот. Актёрда бадиий дид ва этик маданиятни тарбиялаш. Актёрнинг кузатувчанлиги ва ҳаётийлик. (2 соат).

Режа:

- 4. Актёрда бадиий дидни шакиллантириш ва маданиятни ривожлантириш**
- 5. Бадиий асарга тилига талабада ҳурмат хиссини тарбиялаш.**
- 6. Актёрда ҳаётийлик ва кўзатувчанликни ривожлантириш, ички хиссиёт, хислат-фазилатларни ички тасвир техникаси орқали ифодалаш.**

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантикий – изчилик, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

1. Актёрда бадиий дидни шакиллантириш ва маданиятни ривожлантириши

Театр санъати мактабини ўрганувчи талабалар энг аввало саҳнада ижро этишни ўргатиб бўлмаслиги, ўрганиш эса мумкинлигини, театр санъати даргохи аниқ қолипларга эга бўлган ғишт тайёрловчи завод эмас эканлигини аниқ билиши керак. Ролларни ижро этиш учун тавсиялар йўқ. Талабалар яхши актёр бўлиб етишадими, йўқми биз буни билмаймиз. Агар юрақдан ўрганиш учун хохиши зўр бўлса, мақсадга эришади албатта. Санъатда барча шароитга хос юриш–туриш қоидалари йўқ, ва шахзода Гамлет ролини қандай ижро этишнинг мажбурий кўникмалари бўлиши ҳам мумкин эмас. Албатта бугун, бундан 50 йил аввалигидек эмас, яна 50 йилдан сўнг ҳам ҳамма нарса ўзгаради, бугунгидай бўлмайди. Чунки, бундан ярим аср илгари, ҳамда бугун ва яна ярим асрдан кейин, актёр асосий саволни, яъни – НИМА УЧУН МЕН БУГУН ГАМЛЕТНИ ЎЙНАЯПМАН?, деган саволни ҳал этади. Нима учунлигини ҳал қилгач, кимни ва нимани ўйнайди, қандайлигини излайди, ўйлади ва топади.

Актёр этикаси нафақат касб сирларини эгаллашда, балки, бутун санъат тарихининг ғоявий таркибига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам театр санъатида актёр этикаси маълум чегара ва қоидалардан ташкил топган. Ҳар бир актёр театрда фаолият юритар экан театр жамоаси, томошабин, пьеса муаллифи, партнёри ва ниҳоят ўзи олдидаги маъсулиятни унутмаслиги, хис-

етиши лозим. Театр санъатининг ўзига хос табиати, жамоа санъат эканлиги актёр олдига нафақат ўзи ва жамоаси, балки умумбашарият билан боғлиқ юксак бурчни юклайди. Бунда актёр жамоа, жамоа эса актёр учун жавобгар хисобланади. Шу жиҳатдан ҳам театр санъати тарихида унинг буюк дарғалари ёш актёрни тарбиялашда этик, эстетик маданият тарбиясини муҳим дея хисоблаганлар. Зеро, бир театр асари – спектакль яралишида кўплаб инсонлар иштирок этади. Улар орасида ижодий бадий бирдамлик пайдо бўлгандагина спектакль яралишидек мураккаб жараён самарали якун топади. Аксинча, жамоа ичида фақат ўз манфаатини кўзлайдиган шахслар ҳам учраб туради. Бундай инсонлар Станиславский таъбири билан айтганда санъатни эмас санъатда ўзини севган “ижодкор”лардир. Улар нафақат спектакль, балки, санъат ривожи, сифатига салбий таъсир этадилар. Худбинлик, хасад, кўролмаслик, майда-чуйда гап-сўзлар ва саҳна орти ғийбатларига юкак ғоя, буюк мақсадга интилиш орқалигина чек қўйиш мумкин. Актёрлик ва санъат этикасининг энг муҳим бирламчи талаби шудир. Ҳар қандай энг истеъдодли, маҳоратли актёр ҳам ўзи хис этмаган, ўзида мавжуд бўлмаган гуман хислат-фазилатларни, қалб беғуборлиги, юрак поклигини саҳнада ишонарли тасвир этолмайди. Унинг хатти-харакатларига томошабин ишонмайди. Актёр саҳнада “хиссиёт хотирасисиз” ижод қила олмаслиги кўпчилик санъат ахлларига албатта кундек равшан. Қахрамоннинг ички дунёсини яратиш учун актёрга ўз интелектуал ва эмоционал хотирасигина кўмак бериши мумкин. Шунинг учун ҳам ўз ҳаётий тажрибаси давомида турли хиссиётларни бошдан кечирмаган актёр саҳнада айнан шу хиссиётларни тасвирлай олмайди. Бунга эришган тақдирда ҳам ҳақиқий санъат хисобланмайди. Турли ички хиссиёт, хислат-фазилатларни қуруқ ташқи тасвир техникаси орқали ифодалаб бўлмайди. Бунинг акси, яъни салбий образ яратишда ҳам айни юқоридаги фикримиз ўз исботини топади. Юксак фазилатли идеал, баркамол инсон бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган актёр саҳнада унинг акси – антitezасини санъат асари даражасида тасвир эта олмайди. (Бундан келиб чиқадики, актёр энг аввало ўзида гуман фазилатларни шакллантира олиши даркор). Қалбига юксак ғояларни эка олган, юксак маданиятга эга бўлган актёр бирор бир салбий образни тушуниб тасвирлар экан залдаги томошабинлар тасаввурида бу образга нисбатан ишонч ва истехзо, нафрат уйғонади. Боиси, актёр саҳнада салбий образ қиёфасидаги хатти-харакатлари заминида ўз образига нисбатан нафрат ётади. Бу нафрат бевосита томошабин қалбига ҳам ўтади. Театр санъати тарихида юксак сатирик образларнинг фақат юқори маданият, билм ва кенг дунёқарашга эга бўлган санъаткорларгина маҳорат билан ижро эта олганлиги бежиз эмас. Албатта, мазкур фикрлардан улуғ актёрларнинг барчаси салбий хислатлардан холи деган хулоса ясамоқчи

эмасмиз. Биз яшаб турган ҳаётимизда идеал, баркамол инсоннинг йўқлиги аниқ факт. Фақат баркамолликка интилувчи инсонларгина мавжуд. Салбий образ қиёфасини ифода этаркан актёрнинг ўз эмоционал хотирасига мурожаат этиб салбий хислатлар хиссиётидан фойдаланиши сир эмас. Аммо, актёр айни дамда ўз салбий хислатининг айнан салбий эканлигини тушуниб етган бўлиши керак. Кўплаб улуғ санъаткорлар тажрибаларидан маълумки, салбий, шунингдек ижобий образ ижрочиси ҳам ўз қаҳрамонини яратар экан қалбидаги яширин хотиралар, ўз бошидан кечган воқелар ҳақидаги хиссиётлардан иш қуроли сифатида фойдаланади. Биз энг яхши дея хисоблайдиган, тасвир этадиган инсонда ҳам оз бўлсада хасад, худбинлик, бешавқатлик, қўрқоқлик, ёвузлик каби хислатларни нима ва қандай? эканлигини оз бўлсада билади, хис қилади. Инсоннинг эмоционал хотирасида салбий хислатлар кўплаб топилади. Уларнинг салбий эканлигини таъкидовчи восита эса онг хисобланади. Ўз эмоционал хотирасидан тўғри фойдалана олган актёргина саҳнада юксак образлар, санъат асарлари яратади. Бу муваффақият асосида эса юксак эзгу мақсад ётади. Театр ижодкорлари орасида шундай ақида мавжуд: Актёр театр биносига қадам қўяр экан, ўзи билан фақат юрагидаги яхши хислат-хаёлларни олиб кириши, аксинча, ҳақиқий ижод жараёни, илҳомига ҳалақит берувчи, путур етказувчи, кишининг юксак, тоза табиатига қарши ёмонликлар, майда гап-сўз, ғийбат, арзимас орзу-ташвишларни эса театр ташқарисида қолдириши лозим. Тинимсиз қайтарилиувчи машқлар натижасида актёр қалбидаги барча ижобий фазилатларнинг мустаҳкамланиши, салбий хаёлларнинг эса секин-асталик билан йўқолиб боришига эришиши мумкин.

Этик маданият талаблари ҳар бир давр, замон, муҳит таъсирида ўзгариб боради. Аммо, унинг заминида ётган асосий ғоя, олий, эзгу мақсад – гуман хислат, бадиий дид, этик маданият ўзгармайди. Балки, янада сайқалланиб, ривожланиб бораверади.

Театр шундай мураккаб заминки, унда бир вақтнинг ўзида ҳам чиройли, нафис гул, ҳам тиканак ўсиши, озуқа олиши мумкин. Бу замин ҳар иккисини - юксак эзгу ниятли, театрга содик, унинг учун ҳар қандай қурбонликка тайёр ижодкорни ҳам, ўзига хаддан ташқари бино қўйган, худбин, санъатдан фақат шухратпастлик, ўз манфаати йўлида фойдаланувчиларни ҳам ўз ўғитлари, бой маъданлари билан бирдек таъминлайди. Шунга қарамай, ҳақиқий актёрларгина йиллар силсиласида, тарих зарварақларида абадий яшashi мумкин.

Бугунги кун замонавий актёри тезкор шиддат-шахтга эга, янгиликка интилувчи бўлиши билан бирга, сокин, беғубор ижод илҳомига ҳам эга бўлиши керак. Зоро, тобора ривожланиб бораётган асримиз ижодкор,

актёрдан, балки, ишчанлик, тезкорликни талаб этади. Актёр эса халқ күзгуси. Оддий инсонлардан бир поғона юқоририңда, олдинриңда, халққа ўрнак. Театр саҳнасининг томоша залидан бир-икки поғона юқорида эканлигининг маъномоҳияти ҳам шундадир балки. Бу фалсафа актёрнинг зиммасига санъат ва ўзи олдида жуда катта маъсулият юклайди. У театр санъатининг асосий қуроли сифатида ўзини ҳам жисмоний, ҳам руҳий томонлама турли зарарли таъсирлардан химоя қилиши, нозиклик билан тарбиялаши лозим.

Актёр ижоди жараёнининг дастлабки босқичида осонлик билан топилган шухрат актёр шахсияти ва этик маданиятига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўз-ўзини севиш ва худбинлик актёрлик касбида энг биринчи душман саналади. Ижодий ўз-ўзидан қониқиши актёр маҳоратини ўтмаслаштиради. Актёр доим ўз камчиликларини билиши, назаорат қилиши, уларни бартараф этишга интилиши лозим. Баъзи холларда актёрни мақташ, қўллаб –қувватлаш албатта эхтиёжга, заруриятга айланиши мумкин. Бирок, бу борада талаба келажак фаолиятида шуни инобатга олиши, ўта эътиёткорлик ва зийраклик билан иш кўриши талаб этилади.

2. Бадиий асарга тилига талабада ҳурмат хиссини тарбиялаш.

Ёш актёрда драматург, пьеса тилига ҳам алоҳида ҳурмат хиссини тарбиялаш аввало актёрнинг этик маданияти талабларидан бири хисобланади. Актёр бирор-бир асар қаҳрамонини ижро этар экан пьесада келтирилган сўздан ортиқча сўзни қўлламаслиги, ўзидан сўз қўшмаслиги керак. Ваҳоланки, бугунги кунда театрларимизда бу масалага мутлақо эътибор берилмайди. Актёр ҳар бир сўз қадрини билиши, хис этиши, муаллиф мақсади, услубиятига чуқур ҳурмат билан қарashi лозим.

Актёр саҳнада партнёри олдида ҳам маъсулиятлидир. Зеро, саҳнада бадиий ҳаёт акиёрларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳатти-харакатлари орқали юзага келади. Актёрнинг партнёри олдидаги маъсулияти унга нисбатан эътиборли бўлишга, ўзига нисбатан билдирилаётган муносабатни илиб олиб унга қарши муносабат билдиришга замин яратади.

Актёрнинг зиммасидаги маъсулиятлар қаторида унинг ўзи олдидаги маъсулият ҳам мавжудки, актёр буни қалбан хис этиши, ўзида маънавий, руҳий, ижодий кайфиятни тарбиялаши, ривожлантириши, асарб-авайлаши керак бўлади.

Театр мактаби ўқувчилари билан бадиий ҳаваскорлик иштирокчиларига актёрлик маҳоратини эгаллаётган пайтида аниқ тавсия бериб бўлмайди. Актёрлик касбини ўргатиб бўлмайди. Аммо актёрлик маҳоратини ўрганиш мумкин. Дарҳақиқат, саҳнада рол ижро этишнинг бир

қолипга туширилган қонун-қоидаси йўқ. Хусусан, Гамлет образини қандай яратиш мумкинлигига аниқ кўрсатма бериб бўлмайди. Театр санъати пайдо бўлганидан бошлаб актёрнинг ўзи нима учун айнан шу ролни ўйнаётганлиги билан боғлиқ энг муҳим масалани ўзи ҳал қилган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

3 Актёрда ҳаётийлик ва қўзатувчанликни ривожлантириш, ички хиссиёт, хислат-фазилатларни ички тасвир техникаси орқали ифодалаш.

Ўйлаш, хис қилиш, тайёргарлик. Келинг, бугун оқшом копток ўйнаймиз. Ҳар биримизда биттадан копток бўлади. Албатта ҳар бирингизни партнёргиз бўлади ва бир бирингизга коптокни ерга уриб, сўнг илиб оласиз. Энда шу машқни уч киши бир бирига коптокни ерга уриш орқали узатади. Бу уч томонлама бажарилади, яъни бир бирига аввалги тарзда узатади. Машқ тўғри бажарилишига ҳар бири маъсул. Яна бир машқнинг талаби, копток айнан юракни нишон этиб отилиши зарур. Гурухни хис қилдингизми? Айни машқни кўп бор такрорланиши гурухни хис қилиш ва бир бирини сўзсиз ҳам англашни ўргатади. Бу билн сиз ўзингиз, партнёргиз ва айниқса яратаетган персонажингизни хис қилишга ўргатади.

Мен саккиз оёқнинг бирига айлана оламан. Шундан кейин дунёни айланиб чиқишига қарор қилдим. (Тасаввур машқлари) Хаёлпарастми? Бу ҳам яхши. Чунки, тасаввур қилиш фойдали. Бу оддий бажарилади. Аммо сиз хистуйғудан нарисиз дегани эмас муҳими сиз қандай характерга эга эканингизни билишингизда. Айнан персонажни гавдалантиришда сиз ўзингизда борини унутиб янги типни шакллантиришингизга тўғри келади, бунда ўзлаштирилган техникани ишга коласиз. Гап сизнинг хаёtingиз хақида боряпти, қайсикумутлоқишингиз, касбийменингизданташқарида. келинг шу нуқтаи назардан ўзингиз учун ҳам мутлоқ янги сифатингизни кашф этишга уринамиз. Қандайдир сизга маълум бирон хабар ,ахборотни худдики билмагандай тутинг дейлик масалан сизнинг бошингиз ўрнида бирон бир буюм жойлашган. Айни патда уҳам юмалоқ ва танангизнинг бошқа аъзалари билан чамбар час боғлиқ. Бошингиз вертикал жойлашган аъзо, шу тариқа харакат пастга томон, яъни бўйинларимизни хис этиб қўринг. Уни ҳам бирон шаклда тасаввур этиб қўринг. Хис қилинг. Хозир бири устидаги бошқасини харакатга келтиринг. секин аста бу харакатларга оёқ қўлларимиз ҳам қўшилади. Яхшими? Мана шу холатингизда бирон нарсани гапириб қўринг бу харакатда бўла туриб гапириш мавзу ва масалалар ўзгарган холда такрор, такрор бажаринг. Хозир бу машқни харакатларингизни тезлаштирган холда бажаринг.

Сен бироз аввал билдирилган фикрни такрорлаяпсан? Аслида буларнинг баърини чуқур хис қилган холда бажариш лозим бўлади. Бу машқни бажараётганингизда борган сари муракаб бўлаётганини хис қиласиз.. машқни мумкин қадар тез бажарап экансиз сезги аъзоларингизни тўла ишлатишга харакат қилинг. Машқларни онгли бажаришга урининг.

Актёр бошқа кундалик машқлар билан бир қаторда диққат Билан кузатувчанликни ўзида ривожлантириши керак. У ўзининг ҳамда бошқаларнинг юриш-туришида, беихтиёрий равишда қилинган ишларда ифодаланган яширин сабаб ва мақсадларни тушуниб, белгилаб олиши керак.

Кузатувчанлик бўлғуси актёр учун диққатни ривожлантириш сифатида ҳамда ижод учун материални тўплаш тариқасида керакдир. “Ҳаётни кузатишда – деган эди Станиславский – актёр атрофига оддий паришонхотир одам бўлиб эмас, ёки фақат ҳисоб маълумотларини тўплайдиган бухгалтер бўлиб эмас, балки – одамларнинг шарт–шароитларидан келиб чиқиб қиладиган ишларини, қилмишларини тубдан кузатиб, диққат билан ўрганиши лозим. Бу ҳақиқий қизиқувчан ижодкорга хосдир³. Педагог кузатувчанликни томоша сифатида эмас, балки уларни хатти-ҳаракатдай тушунишлари керак эканлигини талабалардан талаб қилиши керак, яъни қизиқ ҳодисаларни кузатишни, ҳаётдаги воқеаларни, одамларнинг феъл–авторини ўрганиб, уларни танлаб, баҳо бериб ўз ишларида фойдаланишни ўргатиши керак. Диққат ва кузатувчанлик машқларида педагог доимий равишда талабалар тасаввурини ривожлантириб, уларнинг диққатини ҳар хил гап сотишлардан озод қилиб, ҳаракатда фахмланган ҳис-туйғуларни эгаллашга йўналтириши керак. Талабалар атрофдаги воқеа–ҳодисаларни кузатиш, уларни кўриб, тушуниш, уларнинг фақатгина ташқи холини эмас, балки ички объектив қонуниятларини тушуна билиш, кузатилаётган одамнинг феъл–авторини аниқлаш, чуқур таҳлил қилиш унинг касбий одатларини тўлиқ ўрганиш каби муҳим масалаларга бутун эътиборини бермоқлари лозим. Машғулотлар вақтида талабалар, кузатган одамларнинг ҳаракатларини, феъл–автор хусусиятларини кўрсатишади. Бу бўлимда биз талабалардан кузатган одамни “тўлиқ ҳолда” эмас, балки бу босқичнинг биринчи навбатида унинг ташқи ўзига хосликларини кузатишни ўргатамиз. Даставвал кузатилаётган одамнинг фақат ўзига хос характерли феъл–авторини топишади. Масалан: юриш–туриши ва ўзини тутишига эътибор бериш керак. Талабалар аввал уялиб, кейин жону–диллари билан кузатган одамларини кўрсатиб беришди. Бизнинг кўз ўнгимиизда хилма–хил одамларнинг «юришлари, ўзини тутишлари» намоён бўлди ва бу одамларнинг тимсолларидан уларнинг ички дунёси кўрина

³ К.С.Станиславский. Танланган асарлар. 2-жилд, 125 б.

бошлайди. Масалан, учун узок бир қишлоқдан келган қиз. У паришон, саросимада, вақти–вақти билан қўлидаги қоғоз парчасига қараб қўйяпти, қоғозда у борадиган манзил ёзилган, аммо у гавжум шаҳарнинг шовқинидан безовталанаяпти. Лотин алифбосида ёзилган кўчанинг номини ўқий олмасдан, бошқа кўчага ўтиб кетади. Манна энди саҳнада бадавлат, ўзига ишонган одам пайдо бўлди. У шошмасдан уйқу олдидан сайр қилмоқда. Саҳнага баланд пошнали туфлида, бир хил ритмда тебраниб бир қиз чиқиб келади. У тўхтаб залга назар ташлайди. Ўзининг нигоҳи билан барчанинг диққатини ўзига жалб қилишни хоҳлайди. Саҳнага бошига тоғора қўйиб олиб, лапанглаб, ёши ўтган аёл чиқади. У атрофга алланглаб, қаерга бориши кераклигини аниқлайди. Рўмолнинг уни билан юзидағи, бўйнидағи терини артиб қўяди. Керакли жойни аниқлагач, чиқиб кетади. Энди саҳнага ёш қиз югуриб чиқиб келади. У залга қараб тўхтаб қолади ва тасаввуридаги витринага осиб қўйилган рўйхатларни кўздан кечиради. Биз бу абитетуринтларнинг рўйхати эканлигини тушуниб оламиз. Рўйхатда ўз номини тополмаган қизнинг лаблари чўччаяди, лекин, ҳали ҳаёт олдинда эканлигини тушуниб ачинмай жилмайиб чиқиб кетади. Ундан кейин саҳнага бир безори югуриб чиқади, унинг чўнтаклари олма билан тўлган. Тез – тез нафас олишидан уни орқасидан кимдир қувлагани билиниб туриди. У ёқ бу ёққа алланглаб, ҳеч ким орқасидан келмаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, ерга ўтиради ва роҳатланиб олма ея бошлайди. Бирдан диққатини кимнингдир оёқ товушлари бўлади, у ўрнидан туриб, қочиб кетади. Унинг кетидан қўлида шапкасини мижиглаб, шир–шир қилиб, салмоқланиб бир болакай чиқиб келади, унинг боши эгилган. Вақти–вақти билан бурнини тортиб қўяди ва бир қўли билан уни артиб туради. Бу болакайнинг қиёфасида тўполончи мактаб боласининг авзойи кўриниб туради. У дакки емаслик учун кўчани кузатади ва қочиб кетиш учун йўл излайди. Миясида сарф қилган пулларни ҳисоблаб, магазиндан харид қилинган нарсаларини кўтарган бир эркак чиқиб келади. У тўхтаб, қўлидаги юкларини пастга қўйиб, нималарнидир бермоқлари билан ҳисоблаб қўради. Қолган пулинни кўриш учун ҳамёнини олмоқчи бўлади ва бирдан уни кассанинг олдида унутиб қолдиргани эсига тушади. Ана энди, саҳнага бемалол қадам ташлаб, қора кўзойнак тақсан, қўлида машинанинг калити илинган занжирни дам–бадам айлантириб ўйнаб, оғзида тишковлагичли бир йигит чиқиб келади. Саҳнанинг олдига яқинлашгач, у аста кўзойнагини олиб, томошабин ўтирган залга қараб туради, гўё дўкондан керакли нарсани излаётгандек. Лекин қўнглига ёқкан нарсани топмагач, энсаси қотиб, кўзойнагини тақиб чиқиб кетади.

Бундай машқларни бажараётган вақтда ортиқча майда–чуйда хатти-ҳаракатларни кўрсатмасдан, уларни олиб ташлаб, ўзига хос феъл–авторнинг типиклигини белгилаб берадиган ҳаракатлардан фойдаланиш керак. Ижодкор

актёр кузатаётган одамларнинг ўзига хос умумийликларини бизга етказиб Бера олган тақдирда томошабин бу қиёфани олдин кўрган, таниш ёки бўлмаса мутлақо нотаниш чехра деб ажратиб олади.

Савол ва топшириқлар:

1. Актёрда бадиий дид ва этик маданият деганда нимани тушунасиз?
2. Турли ички хиссиёт, хислат-фазилатларни ички тасвир техникаси орқали ифодалаб беринг.
3. Хасад, худбинлиқ, бешавқатлик, қўрқоқлик, ёвузлик каби хислатлар бўйича хотирада муҳрланган кадрларни тасвирланг.
4. Яхшилиқ, эзгулик қилган, этик маданиятига эга бўлган инсонни хотирангизда тиклаб тасвирланг.

2- амалий машғулот Ривожланган мамлакатлардаги актёрлик ижросининг бугуниги кўриниши. Замонавий ва тарихий мавзулардаги спектаклларда актёрлик ижроларнинг инновацион усуллардан фойдаланиш масалалари. (2 соат).

Режа:

- 1. Актёр шакилланитшида театр санъатининг таъсири ва этюднинг ахамияти**
- 2. Актёрда хиссиёт ва хотирани ривожлантириш**

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантиқий – изчилиқ, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

1. Актёр шакилланитшида театр санъатининг таъсири ва этюднинг ахамияти

Сизлар ўз тажрибангиздан биласизларки, актёр учун текис ва бўш жой қанчалик ноқулай, унда дикқатни тўплаш, кичкинагина машқда ёки соддагина этюдда киши ўзини топиб олиши амри маҳолдир.

Кани шунаقا, худди концерт эстрадасидаги сингари қуруқ жойда, саҳнанинг олдига Гамлет, Отелло, Макбет ролларининг бутун «инсоннинг руҳий ҳаётини» кўрсатиб кўринг-чи. Буни режиссёрнинг ёрдамисиз, мизансценасиз, буюмлар ва мебельсиз қилиб кўринг-чи. Уларга ўтириш, суюниш улар атрофида труппалар хосил қилиш мумкин! Ахир бундай

вазиятлар саҳнада яшамоққа ва ўзимизнинг ички холатимизни пластик равиша ифодалашга ёрдам беради. Бунга саҳнанинг олдида, устундек қотиб туриб эмас, аксинча, турлича бой мизансценада эришмоқ мумкин. Бизга учинчи ўлчов, яъни саҳна сатхи керак, биз унинг устида юрамиз. Унинг устида яшаймиз ва хатти-ҳаракат қиласиз. Бизга учинчи ўлчов биринчи, иккинчи ўлчовга нисбатан зарурроқдир. Орқада, бизнинг орқамизда, гениал рассомнинг ажойиб декорацияси осилиб турганидан артистларга нима фойда? У орқада тургани учун биз уни кўпинча кўрмаймиз, У бизни факат яхши ўйнашга. ўз мухитимизга лойиқ бўлишга мажбур қиласиз, у бизга ёрдам бермайди, чунки рассом уни яратадиганда факат суратни ўйлаган ва фақат ўзини кўрсатган, артистни эса унудиб кетган.

Суфлёр хужраси олдида туриб олиб, хеч кимнинг ёрдамисиз, мизансценасиз, режиссёр ва рассомсиз пьеса ва ролнинг бутун моҳиятини кўрсата оладиган бундай генийлар, бундай техниклар қани?!

Санъатимиз хеч кимнинг ёрдамисиз артистнинг якка ўзи ижодий вазифани бажаришга имконият берадиган психотехника соҳасида энг юқори чўққига кўтарилигунга қадар бизлар режиссёренинг ва кулиса орқасидаги спектакль ижодкорларининг ёрдамига мухтожмиз, чунки ҳар хил декорация, планлаштириш, ёруғлик, товушлар ва бўлак қўзғаткичлар уларнинг қўлидадир.

Нега бурчакка суқилиб олдингиз? - деб мурожаат қилди Аркадий Николаевич Малолетковага қараб.

Мен... узоқроқда Ўтирмасам бўлмайди! - деди у ҳаяжон ичидагангиб қолган Вионсовдан яшириниш учун яна ҳам бурчакка тиқилиб оларкан.

-Нега ҳаммаларинг тўпланиб олдингиз? - деди Торсов, энг шинам бурчакда, стол ёнидаги диванга ўтиаркан, Аркадий Николаевичнинг келишини кўраётган бир гурух ўқувчиларга қараб.

Анекдотлар айтиляпти... шундай... қулоқ солиб ўтирибмиз, - деб жавоб берди чизмакаш

Говорков икковингиз лампа олдида нима қиляпсизлар? - мурожаат қилди Аркадий Николаевич Веляминовага қараб.

-Мен... мен... билмайман... нима дейшимни билмайман... -деди ҳижолат тортиб қизча. - Хат ўқияпмиз... шунинг учун.... аҳ нима учунлигини ўзим ҳам билмайман...

- Нега сиз Шустов билан юрибсиз? - мени сўроққа тутди Торсов.

-Бир нарсани муҳокама қиляпмиз. - жавоб бердим мен.

Хуллас, - деб якун ясади Аркадий Николаевич. - Ҳар бирингиз кайфиятингиз, кечинмангиз ва ишингизга қараб, ҳаммадан қулайроқ жойни танлагансиз, керакли мизансценани яратгансиз ва ўз мақсадингизга

ишлатгансиз, эҳтимол, аксинча. Мизансцена сизларга ишни, вазифани айтиб бергандир.

Торсов каминнинг олдига ўтириди, биз эса унга қараб ўтиридик. Баъзилар унинг сўзларини яхшироқ эшитиш ниятида ўз стулларини унга яқинроқ суриб олишди мен лампа турган столнинг ёнидан жой олдим, чунки ёзишим учун қулагийлик керак эди. Говорков билан Веляминова пичирлаб гаплашиб ўтириш учун нарироққа силжишди.

Энди айтинглар-чи, нега сиз бу ерга, сиз у ерга, сиз эса стол ёнига ўтирдингиз? -деб тушунтириб беришимизни талаб қилди Аркадий Николаевич.

Биз яна уз хатти-ҳаракатимиз хақида унга ҳисбот бердик ва улардан Аркадий Николаевич бу сафар ҳам, бизларнинг ҳар биримиз ўзимизча, шароитга, ишимизга, руҳий холатимизга ва кечинмамизга қараб мизансценадан фойдаланганимизни асослаб берди.

Шундан кейин Аркадий Николаевич бизларни хонанинг турли бурчакларига олиб борди-да (ҳар бир бурчакда мебель турлича қўйилган эди) улар қандай кайфиятларни, ҳиссиёт хотираларини, такрорий кечинмаларни уйғотишини аниқлаб беришимизни таклиф қилди. Биз ушбу мизансценадан қандай шароитларда қандай фойдаланишимизни аниқлаб беришимиз лозим эди.

Шундан сунг Торсов ўз хоҳишича, бизлар учун қатор мизансценалар яратди, биз эса қандай руҳий холатларда. қандай шароитларда, қандай кайфиятда ёки берилган шарт-шароитда у бизга кўрсатиб берганича ўтиришимиз қулагилигини эслашимиз ва белгилашимиз керак эди. Бошқача қилиб айтганда, илгари ўз руҳий холатимизни, хатти-ҳаракат вазифасини сезишимизга қараб ўзимиз мизансцена топган бўлсак, энди бу ишни бизнинг ўрнимизга у бажаар эди, биз эса бироннинг айтган мизансценасини факат асослаб беришимиз, яъни унга тегишли кечинма ва хатти-ҳаракатни топишимиз, улардан тегишли руҳий холатни аниқлашимиз лозим эди.

Торсовнинг сўзига кўра, иккала биринчи холатда - ўз мизансценамизни яратиш ва шунингдек, учинчи холатда - бироннинг мизансценасини асослаш - актёрнинг тажрибасида доимий учраб туради. Шунинг учун улардан яхши фойдалана билиш керак экан.

Кейин «аксинча исботлаш» тажрибаси ўтказилди. Аркадий Николаевич билан Иван Платонович дарсни бошлашга Ҳозирлангандај ўтиришди. Биз «ишга мос руҳий холатда» Ўтиридик. Аммо Торсов биз танлаган мизансценами таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборди. У ўқувчиларни жўрттага нокулай, биз қилмоқчи бўлган ишимизга ва руҳий холатимизга қарама- қарши

равиша үтказди. Баъзилар анча олисда, бошқалар гарчи яқин ерда ўтирган бўлсалар ҳам, муаллимга орқа ўгириб олган эдилар.

Мизансценанинг руҳий холат ва иш билан мос эмаслиги туйғуни чалкаштирас, ички ноқулайликни келтириб чиқарар эди.

Бу мисол мизансцена билан артистнинг руҳий холати ўртасидаги алоқа қанчалик зарур эканлигини сезиларли даражада кўрсатиб берди ва бу алоқанинг узилиши ёмон хол эканлигини исботлади.

Кейин Аркадий Николаевич бутун мебелларни деворга тақаб қўйишни, уларни ёнига ҳамма ўқувчиларни үтказишни ва ўртага-қуруқ полга битта кресло қўйишларини буюрди.

Шундан кейин, ҳар бир ўқувчини навбат билан чақириб, тасаввур нималарни ўйлаб топиши мумкин бўлса, шу кресло билан ҳамма вазиятни қилиб кўришликтни таклиф қилди. Бутун вазиятлар, албатта. ички тасаввур тўқимаси берилган шарт-шароитлар ва туйғу билан асосланган бўлиши шарт. Биз машқни навбатма-навбат кўрсатдик, мизансценанинг ҳар бири, группа ёки вазият қандай кечинмага ундашини аниқладик ёки тескарисини. қандай ички холатларда қай хилдаги позалар ўз-ўзидан қилинишини кўрдик. Бу машқлар яхши, қулай ва бой мизансценани, унинг мизансценалиги учун эмас, балки у чақирадиган ва белгилайдиган туйғулар учун қилинаётганини яна ҳам юқорироқ баҳолашимиизга мажбур этди.

Шундай қилиб, - сўзларига якун ясади Аркадий Николаевич. - бир жиҳатдан артистлар ўзлари кечираёгган руҳий холатига. бажараётган ишларига, вазифаларига қараб мизансцена ахтарадилар, иккинчи томондан эса руҳий холатнинг узи. вазифа ва иш бизга мизансцена яратиб беради. Улар ҳам бизнинг ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятимизни қўзғатувчилардан бири ҳисобланади.

Одатда саҳна жиҳозлари, ёритилиши, товушлари ва бошқа режиссёрлик усуллари билан биз биринчи навбатда партерда ўтирган томошабинларни лол қи лишини истаймиз деб ўйлайдилар. Йўқ. Буларга мурожаат қилишимизнинг боиси томошабинлардан кўра кўпроқ артистларнинг ўзлари учун керакдир. Биз уларга бутун дикқатларини саҳнада бўлаётган нарсага қаратишиларига ва ундан ташқарида бўлган нарсаларга эътибор бермасликлари учун ёрдам беришга уринамиз. Борди-ю, биз томонда рамканинг актёрлар турган томондаги яратилган руҳий холат, пьесага мос экан, демак, у тақдирда ижод учун ҳиссиётларни эслаб қолиш ва кечинмани қўзғатувчи тўғри шароит вужудга келган бўлади.

2. Актёрда ҳиссиёт ва хотирани ривожлантириш

Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятининг кучи бизнинг ишимизда катта аҳамиятга эгадир. У қанчалик қулай, ўткир ва аниқ, бўлса, ижодий кечинма шунчалик равшанроқ ва тўлароқ бўлади. Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти бўш бўлса, у сезилар-сезилмас, ноаниқ туйғуларни келтириб чиқаради. Улар саҳнага ярамайди, чунки таъсирчан бўлмайди, кўринмайди, томоша залига кам етиб боради. Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти ҳакидаги кейинги сұхбатлардан маълум бўлдики, унинг кучи, давомати ва таъсири турлича бўлар экан. Бу ҳакда Аркадий Николаевич шундай деди:

Кўз олдингизга келтиринг, сиз кўпчилик олдида ҳақоратландингиз ёки тарсаки едингиз, демак, бутун умрга уятга қолдингиз. Бундай воқеадан шундай каттиқ ларзага келгансизки, бу ларза хатто унинг бутун бошқа тафсилотлари ва ташқи жиҳатларини босиб кетган. Арзимас сабаб ёки хеч қандай сабабсиз чекилган бу алам- ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятларимизда бирданига ловиллаб кетади ва икки баробар куч билан жонланади. Шунда юз қизаради ёки оқариб кетади, юрак эса сиқилиб қаттиқ-қаттиқ ура бошлайди. Бундай ўткир, осонлик билан ҳаяжонланувчи туйғу материалига эга бўлган актёрга саҳнада, ҳаётда ларзага солиб чуқур из қолдирган ҳодисанинг туйғусига ўхшаш туйғуни кечиниш ҳеч гап эмас. Бунда техниканинг ёрдами керак бўлмайди. Ҳаммаси ўз-ўзидан содир бўлади. Артистга табиатнинг ўзи ёрдамлашади. Бу туйғуни хотирлаш ва такрорий сезгининг, хусусан, кучли, ўткир, аниқ ва яшовчан турларидан биридир.

Бошқа бир ҳодисани олайлик. Менинг бир дўстим ғоятда паришонхотир одам эди. У бир танишиникига бир йилдан кейин зиёфатга борибди ва шунда уй сохибининг севимли, жажжи ўғлининг саломатлиги учун қадаҳ кўтарибди. Боланинг соғлиги учун кўтарилган бу қадаҳни ҳамма чуқур сукунат билан қарши олибди, шундан сўнг уй бекаси - боланинг онаси, хушидан кетиб қолибди. Маълум бўлишича, бечора дўстим соғлиги учун қадаҳ кўтарган боланинг ўлганига бир йил ўтгандан кейин берилаётган йил оши эканини унутиб қўйган экан. «Шунда кечирган ҳолатимни ўла-ўлгунимча унутмайман!» - деб икрор бўлди оғайним. Бироқ, бу холда туйғулар атрофда бўлган воқеани бекитиб қўймади, у холат тарсаки ейилгандан бўлган эди, шунинг учун дўстимнинг хотирасида кечинманинг ўзи эмас, балки унинг айрим, айниқса, аниқ моментлари ва воқеанинг вазияти равшан сақланиб қолган. У рўпарасида ўтирган мемоннинг қути ўчган башарасини ҳам, ёнидаги хижолатдаи ерга қараб олган хотинни ва столнинг нариги бошидан чиққан нидони ҳам эслаб қолган.

Ҳозир, бу воқеага узок вақт ўтган бўлса ҳам, унинг кўнглида ўз-ўзидан йил оши вақтидаги бошидан кечирганлари тўсатдан жонланиб кетади. Бироқ, баъзан бирданига буни қилишни уддасидан чиқолмайди, шунинг учун бу

бахтсиз ҳодиса билан бир вақтда бўлган вазиятни эслашга тўғри келади ва шунда бирданига ёки аста-секин туйғунинг ўзи ҳам жонланиб кетади.

Мана бу - кўпинча психотехника ёрдамини талаб қилувчи анчагина бўш ёки, айтайлик, ўрта даражадаги ҳиссиёт-хотираларининг яшовчанлиги ва кучига мисол бўла олади. Мен энди шунга ўхшаш учинчи ҳодисани айтиб бераман. Бу воқеа ҳам уша паришонхотир дўстим билан содир бўлган, фарқи шундаки, кўпчилик ўртасида эмас, бетма-бет, ўзаро сухбатда бўлиб ўтган.

Гап бундай: амманинг қизи онасининг вафотидан кейин келиб, унинг тобути устига қўйиш учун дўстим юборган гулчамбар учун миннатдорлигини билдиromoқчи бўлган. Қиз миннатдорчилик изҳор қилиб бўлмасданок. паришонхотир дўстим меҳрибонлик юзасидан «аммасининг» (марҳуманинг) «саломатлигини» сўраган.

Бу хижолатвозлик ҳам унинг хотирасида сақланиб қолган, лекин илгариги, яъни қадаҳ қўтарганига нисбатан анча хирароқ қолган. Шунинг учун, борди-ю, дўстим ижодий мақсадлари учун ўзидағи шу туйғу материалларидан фойдаланмоқчи бўлса, дастлаб жуда катта ички ишни бажаришга тўғри келади. Бунинг сабаби, ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятидаги хотираларнинг излари чеккадан ёрдам олмай, мустақил равища жонланиши учун айтарлик чуқур ва ўткир бўлмаганидадир.

Савол ва топшириқлар:

1. Этюд нима?
2. Мизансцена нима?
3. Хиссиёт ва хотира учун машқ тайёрлаб келиш?
4. Этюд тайёрлаб келиш?

З амалий машғулот. Актёр ижросида техник воситалардан фойдаланиш услублари. (2 соат).

Режа:

- 1. Актёр тарбияси ва шакилланишида сўзнинг интонациянинг таъсири**
- 2. Саҳнада актёрнинг жисмоний маданиятини ривожлантириш, туйғу, мантиқ ва изчилликга эришиш**

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйфуси, мантиқий – изчилиқ, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

1. Актёр тарбияси ва шакилланишида сўзнинг интонациянинг таъсири

Инсоннинг овози хилма-хил психологик ранглар билан бой, шунинг учун ҳам ҳар бир куйловчи актёрнинг асосий вазифаси ўз товушининг рангларини ривожлантириш, мураккаб ижрочилик санъатини эгаллашдир, бу унинг ижодий негизи ва шу билан бирга актёрнинг индивидуал ижодининг белгиловчиси бўлиб, унинг энг юқоридаги ижрочилик маҳоратининг категориясидир. Қандай қилиб овоз товуши билан у ёки бу мусиқали ахволни, иштирок этувчининг кайфиятини тасвирлаши мумкин ва туйгуларни ифодалаш учун қандай оҳангни ишлатиш керак?

Биз оддий мусиқали оҳангни, яъни бирон куй ёки нотанинг айтилишини, товушларнинг ўзаро боғланишини эмас, балки товушнинг мъйноли оҳангини назарда тутяпмиз. Масалан, инсон бир хил товушда «сени севаман» ва «сендан нафратланаман», деган гапни айтольмайди. Ҳар бирида, албатта, ўзига яраша оҳанг ишлатилади, яъни маъносига мос бўлган интонация. Демак, куйлашнинг ўзи ва унинг техникаси куйловчи актёр бўлиши учун етарли эмас. Кўшиқ ижросида машҳур санъаткор, актриса, профессор Саодат Қобулова оҳангга жуда катта аҳамият берар эди. У товушнинг интонациясини ижро этаётган тимсолнинг таърифига, аниқ вазият билан боғланган руҳий ҳолатига мослаштиради, интонация орқали ҳамкорига ва томошабинга эмоционал таъсир этарди. Берилган шарт-шароитда тимсолнинг оҳангни, яъни товушнинг интонациясини қидириш жараёни-бу вокал санъатини хатти-ҳаракатли қиласиган ва мусиқа орқали ёзилган драмани ифодалайдиган энг муҳим нарсадир. Педагог-режиссёр талабалар билан биргаликда роль устида ишлаган вақтда унга нафақат ифодавий воситаларининг (ритм, темп, динамика, нозик фарқлар ва улардан келиб чиқсан актёрлик маҳоратининг вазифалари) муҳимлигини тушуниш, балки техникасининг асосини ҳам билиш кераклигини тасдиқлади. Бу педагог-режиссёр талабанинг диққатини хонандалик техникасининг элементига жалб қилиш керак экан, деган гап эмас. У талабаларнинг диққатини, керакли ифодавий воситаларини топишга йўналтириши керак. Гап айрим бир маънода, «товушнинг режиссураси» ҳакида кетаяпти деб тушунишимиз мумкин. Албатта, педагог-режиссёр, товушни йўлга солиш, уни чиқариш, чўзиш каби масалалар билан

шуғулланиши керак эмас, аммо образдан, жанр таърифидан ва қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб, товушнинг тембр, эмоционал, психологик рангларини билиб, у талабага нафақат сўзнинг, балки товушнинг ҳам мағзини чақишига ёрдам бериши мумкин. «Оддий ААА товуши билан биз дилимиздаги ҳиссиётни ифодалашимиз мумкинлигини тушунасизларми?», -деб сўраган эди К.С.Станиславский, куйловчи актёрнинг товушига керакли психологик рангини тузилишига ёрдам бериб. «Лекин бошқа ААА товуши бор. У берк, бўғиқ, ташқарига эркинлик билан чиқмасдан, ичкарида қолиб, худди ғордан ёки тобутдан келаётган даҳшатли, машъум овоз бўлиб, ғўнғиллаб акс садо этади. Маккорона ААА товуши ҳам бор. У парвонадай учиб чиқиб, парма каби дилга кириб, асабни бузади. Қувноқ ААА товуши ҳам бор. У дилимиздан ўқдай отилиб чиқади»¹.

Қўйилган ижодий масалага қараб, товушнинг керакли характерига эга бўлган жаранглашни сўзда, товушда ҳам топа билиш, ижроидан айрим интонацион маҳоратга эга бўлишлигини талаб қиласди. Инсон хилма-хил психологик рангларни, ўз товуши орқали бериш имкониятлари чексиз. Устозларнинг кўпчилигига ижодий фикрларнинг нихоятда кичик ўзгаришлари, дарҳол товушнинг психологик рангига акс этади.

Рассом ёруғ-соя ва бошқа бадиий-ифодавий воситалар орқали суратда ўзининг психологик ва эмоционал мазмунини ифодаласа, куйловчи актёр ҳам ўзининг индивидуал хусусиятлари билан мусиқий спектаклнинг фикрини бойитади. Лекин, куйловчи актёрларнинг бошқа категорияси ҳам борки, улар фақат бастакорнинг фикрини ташқи шаклига эга бўлишади. Улар мусиқий матнни механик равишда ўрганиб, ритм билан боғланган товушни «тўғриларча», керакли жойда кўтариб ёки пастга тушириб, бизга «куйлайдиган қўғирчоқларни» эслатадилар. Бундай хонанда ҳақиқатан ҳам бастакорнинг фикрларини ва туйғуларининг нусхасини кўчирувчиси бўлади. Улар на санъаткор, на ижодкордирлар. Айнан шундай куйловчи санъатимизга катта зиён келтиради.

Маълумки, драматик театрда интонация масаласи ман қилинган. Мусиқали театрда эса у бутунлай бошқа маънога, бошқа аҳамиятга эга. Гап, интонацияни Шаляпин тушунган маънода, маънолилик ҳақида кетар экан, биз актёр «қандай» куйляяпти ва «қандай» деган сўзда «нимани» ифодалаётганини тушунишимиз керак.

1· К.С.Станиславский собр.соч. 3 т,М.1955, 71 б.

Хонандаларимиз оҳанг, яъни интонация ҳақида ўйламайдилар, деса ҳам бўлади. Баъзан қобилиятли актёрда у ўзидан ўзи пайдо бўлади. Лекин интонация устида биз атайин иш олиб бормаймиз. «Интонация» сўзидан ҳайикиб, биз бу муаммони умуман олиб ташладик. Интонацияни топиш бу тимсолнинг ечимига ўз ҳиссасини қўшиш деганидир.

«Мусоргскийнинг бирдан бир, ягона оҳангини топдим»,⁴ - деган эди Шаляпин. Гап деталлар ҳақида ёки ҳар хил интонацион усуллар ҳақида кетмаётганлигини тушуниб турибмиз. Гап инсон ҳаётининг, «инсон руҳий ҳаётининг», халқ ҳаётининг, унинг инсоний, ижтимоий ғояси ҳақида, умуман ўзида кўп компонентларга эга бўлган, катта умумлаштиришлар ҳақида кетаяпти. Нотанинг, жумланинг, сўзнинг, ролнинг интонацион бўёқлари бу тимсол устида бўлган бадиий ишнинг натижасидир. Қахрамоннинг интонациясини қидириш саҳна ҳақиқатини излаш деганидир. Улар ҳақиқий тимсол билимларининг натижасида яратилади. Интонация бу бизнинг ижодий ишларимиз, бизнинг изланишларимиздир. Аммо бу ижодий ишлар, бу изланишлар асарнинг мусиқий-драматургик материалини, унинг моҳиятини сидқидиллик билан ўрганишдир. Интонация устидаги иш бу ролнинг ички моҳиятини ҳаяжонлантирадиган илмоқларини қидиришдир. Афсус дирижёрлар, режиссёrlар, актёрлар саҳнада кўпинча тингловчини ҳайратда қолдирадиган, маълумот бермайдилар. «Пиано», «форте» бор, хонанда қўшигини ўз вақтида бошлайпти, демак, ҳаммаси яхши. Хонанда бастакорнинг улуғ асарини ўрганиб томошабинни ҳайратда қолдирмасдан, унга фақатгина маълумот беради, чунки ҳайрат бўлиш учун инсоннинг ўзи, унинг қалби ҳаяжонланиши керак.

Куйловчи актёр бастакорнинг ғоясидан ҳаяжонланса, ифодалаб бериши мумкин. Ёзганларининг ҳаммасини жуда таъсирили ва ёрқин ифодалаб бериши мумкин. Буларсиз интонация қидириш жараёни бефойда бўлиб чиқади. Интонация бу мақсаддир. Унга актёр тасаввур орқали эришиши мумкин. Куйлаётганини тасаввур қилиш «кўриш» жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга жараёндир. Шунингдек, энг муҳими бу актёрга, талабага тўғри интонацияни топиш, ашуласининг ҳар бир жумласида маънолилик истагини яратишга ёрдам беришдир.

Хонанда санъатида, унинг интонацион ифодавийлигига ижрочининг нафақат характер хусусиятлари ва индивидуал, ўзига хос бўлган ечиш имкониятлари, балки муаллифнинг ғояси ва саҳналаштириш керак бўлган асосий моҳияти ҳам белгиланган. Шунинг учун ҳам Шаляпин куйловчи

⁴ Ф.И. Шаляпин «Маска и душа». Нашр. «Искусство» 1976, 295 б.

актёрга вокал тимсолининг иш жараёнида, унга мос яққол бадий оҳангни қидиришнинг аҳамиятини астойдил белгилайди. Ўзининг хотираларида шоҳ Иван Грозний тимсолнинг изланиш йўлларини сўзлаб берганда, у шоҳнинг ёвуз эмас, балки актёр бўлиб чиққанини, белгилаб ўтган эди. «Кирайми, йўқми,-деган биринчи жумламни мен ачитиб, киноя, икки юзламачилик билан гапирав эдим. Бу шоҳни бўш қилиб, унга хос бўлмаган фазилатларни кўрсатар эди. Бу ҳали шоҳ тимсоли эмас, балки сояси, кичик белгисидир. Шоҳ Иваннинг биринчи жумласида, тимсолнинг мағзи, унинг асосий моҳияти белгиланганлигини тушундим. Саҳнани такрорладим. Кучли, даҳшатли, қаҳри-ғазаб овози билан ваҳшиёна бўкириб, ғазаб билан хонани қараб чиқиб, мен саволимни такрорладим. Атрофдагилар қўрққанидан қотиб қолишиди. Бир жумланинг тўғри топилган интонацияси, заҳарли илонни баджаҳил арслонга айлантириди. Шу интонация «поездни» керакли йўлга солди, у эса хуштакини чалиб, ўқдай учиб кетди. Хонанда санъатининг бутун кучи-тўғри олинган оҳангда, сўзнинг ва жумланинг тўғри топилган рангида».¹

Классик бўлиб қолган таърифнинг маъноси нимада? Инсон оддий сухбатда ҳам ўз фикрини ифодалаш учун нафақат сўз, балки уни таъкидлаш учун ифодавий талаффузни ҳам ишлатади. Инсоннинг оҳангига, яъни унинг ҳар хил рангларга ва тусларга ўтиш қобилиятида, катта ифодавий имкониятлар бор. Агарда инсон ўз нутқида сўзларни керакли оҳангда талаффуз этмаса, унда унинг нутқи жонсиз, бир хил, монотон бўлади. Шундай қилиб, бир жумланинг оҳangi, Грозний тимсолни тушунишга ёрдам бериб, уни фикр нурлари билан бойиттириди ва керакли шароитни топиб, у буюк ижодкор бўлганлиги учун шу шароитни спектаклда ҳам яратди.

Хонандалик мусиқанинг ифодавий илдизлари, нутқ илдизлари билан бирдир. Бастакор ўз асарида, уларни мусиқага хос шартли белгилар орқали тасдиқлайди. Аммо бу белгилар куйнинг психологик рангини, жонли моҳиятини, маъносини эмас, балки фақатгина интонациянинг шаклини, яъни овознинг кўтарилишини ёки пастга тушишини белгилайди холос. Шоирнинг сўзи каби, бастакорнинг нота белгилари, бу муаллиф фикрларининг ички моҳияти эмас, балки ташқи шаклидир. Фақат куйловчи актёр шу жонсиз белгиларни, сўзларни онгли равишда ўз руҳий ҳолатидан, жонидан ўтказиб, уларни ўзиникидай қилиб олиб, жонлантириши мумкин. Матндан келиб чиқиб, улар мусиқий асарни ўзига хос бўлган интонация билан овознинг психологик ранглари орқали ижро этадилар ва эҳтимол, бастакорнинг ўзида етилиб бормаган, мусиқий тимсолларнинг қирраларини ҳам кўрсатадилар. Психологик интонация, сўзнинг маъноли ранги бу куйловчининг ҳамма

1. Ф.И.Шаляпин «Маска и душа» Наш. «Искусство» 1976 й. 29 б.

ифодавий воситаларидан энг керакли бўлиб, шу воситани аниқлашда актёрнинг ижодий индивидуал томонларини, маҳоратини аниқ равишда белгилайди. Бундай оҳангнинг «тўғрилиги», сўзнинг, жумланинг керакли ранглари, ўзидан ўзи мусиқий матнни ёдлаш натижасида пайдо бўлмайди. Бу тимсол устида онгли равишда ишлаш, яъни мусиқий партитурани таҳлил қилишда, тарихий материални ўзлаштиришда, олий мақсадни англашда ва бутун хатти-ҳаракат давомида, ролнинг маъноли вазифасини тушунишда, унинг жисмоний ҳолатини ва иккинчи планини топишда ва ҳоказоларда ифодаланади. Шундай қилиб, интонация, вокал тимсолни яратиш ва «инсоннинг руҳий ҳаёти»ни кечириш воситаси бўлиб, ижрочи олдида турган ижодий масалаларга жиддий қараганлигининг натижаси бўлади ва саҳнатимсолнинг устида умумий ишнинг жараёнида етиб келади. Шу сабабли режиссёр-педагогнинг олдида турган муҳим вазифаларидан бири бу мусиқа нутқнинг ифодавийлигининг устида ишлаш, оҳанг ҳаракатларини қидириш жараёнида талабаларга фаол ёрдам бериш, чунки берилган шарт-шароитда тўғри белгиланган хатти-ҳаракат, керакли оҳангни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

2. Саҳнада актёрнинг жисмоний маданиятини ривожлантириш, туйғу, мантиқ ва изчилликга эришиш

Талабалар билан танлаб олинган асар устида ишлар эканмиз албатта мана шу сўз юритмоқчи булган фикрларга туқнаш келамиз. Биз талабалардан ролнинг фожеали жойларига кучаниш ва зўрланиш билан ёндошиши у ёқда турсин, ҳатто кўпчилик актёрлар қилгандек, бирданига ҳам эмас, балки астасекин, изчиллик билан, мантиқан бирин-кетин келаётган жисмоний хатти-ҳаракатларнинг кичик ва катта ҳақиқатини сезмоқ ҳамда уларга самимий ишонмоқ кераклигини ўқтирамиз. Купинча биз сезиларли, кўринарли, тушунишимиз осон бўлган жисмоний ҳатти-ҳаракатларнинг мантиқ ва изчиллигига қараб иш тутамиз.

«Туйғунинг мантиқ ва изчиллиги» дек мураккаб масалани қандай ҳал қилиш мумкун.

Биз олимлар эмас, актёрлармиз. Бизнинг соҳамиз-фаоллик, хатти-ҳаракат. Биз амалиётдан, инсонлар тажрибаси, ҳаётий хотиралар, мантиқ ва изчилликдан фойдаланамиз, саҳнада қилаётган ишимизнинг ҳақиқатлигига ва ишончлилигига эришмоғимиз даркор.

Актёр ўз-ўзимизга: «Агар мен реал ҳаётимда фожеавий даражада чорасизлик ахволига тушиб қолсанм нима қиласдим?» деган саволни беришдан

иборат. Фақатгина ана шу саволга инсонларча жавоб беринг, бўлди, бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

«Фожеавий даражада чорасизлик» ҳолатига, яъни мураккаб руҳий ҳолатга тушиб қолсан, нима қилган бўлардим?-деган саволга сиз қатор ғоятда мантиқли, изчил хатти-ҳаракатлар билан жавоб берасиз.

Туйғу мантиқи ва изчиллиги сингари мураккаб руҳий масалани ўзимиз еча олмаганимиз учун, уни ўз ҳолига қўйиб турмиз ва текширишни бўлак, бизга тушунарли бўлган соҳа, хатти-ҳаракатлар мантиқига кўчирамиз.

Жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқий ва изчил ташқи кўринишини яратар эканмиз, агар синчиклаб қарасақ, ичимида бу йўлга ёндош ҳолда бошқа ҳис-туйғуларимизнинг мантиқий ва изчил йўли ҳам пайдо бўлади. Бу тушунарли: ахир, ички ҳис-туйғуларимиз биз учун хатти-ҳаракатларни сездирмаган ҳолда пайдо қиласди, улар ҳам ана шу хатти-ҳаракатларнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланган.

Исботланган жисмоний ва руҳий хатти-ҳаракатларнинг мантиқи ва изчиллиги ҳаққонийликка ва ҳис-туйғуларга ишончни вужудга келтиради.

Кундалик ҳаётимиз тажрибаларини, ҳис-туйғуларимизни қайта ўрганиб чиқмоғимиз лозим.

Ҳис-ҳаяжон соҳасида биз яна ўша ҳар доим ҳозиру-нозир-мантиқ ва изчилликка рўбарў келамиз.

Мана энди ижодий кечинма жараёнида мантиқ ва изчилликни ҳис қилиш ҳакида гапирсак.

Бу масалани қандай бўлмасин ҳал қилиш керак. Ростдан ҳам, ҳақиқий кечинмага асосланган бизнинг санъатимиз мантиқ ва изчилликни туйғусини четлаб ўтолмайди-ку. Ахир уларсиз ҳақиқат ҳам, қолаверса, ишонч ҳам, «мен мавжудман» ҳам, бизнинг санъатимиз, ижодимиз, кечинмамизга асосланган барча аъзоларимизнинг беихтиёрийлиги ҳам йўқ-ку.

Бу масалага илм нуқтаи назаридан эмас, ўзимизга жуда яхши таниш бўлган, тажриба, амалий билим, ҳис-ҳаяжон, қўникма, одатлар ва бошқа-бошқаларга бой ҳақиқий ўз шахсий ҳаётимиз нуқтаи назаридан қўриб чиқайлик.

-«Агарда мен талқин қилаётган ролимнинг берилган шарт-шароитига тушиб қолсан, одамларча нима қилган бўлардим?», деб ўз-ўзингиздан сўранг.

Бу саволга шунчаки, расман эмас, балки рўйи-рост ва самимий жавоб беринг. Бу саволга на фақат ақл, асосан туйғу билан ирода қатнашсинлар ва жавоб берсинглар.

Бу ҳам ҳали кам, мен жавобни сўзлар орқали эмас, жисмоний хатти-ҳаракатлар орқали олишни истардим.

Инсон руҳий ҳаётининг ички, руҳий ҳолатининг мантиқ ва изчилигини англамоқ ва аниқламоқ учун, биз танамизнинг муайян, бизга тушунарли, аниқ жисмоний хатти-ҳаракатлариға мурожаат этамиз. Биз уларнинг мантиқ ва изчилигини руҳий атамалар эмас, балки жисмоний хатти-ҳаракатлар орқали англаймиз, аниқлаймиз ва қайд қиласиз.

Агар улар чин, самарали ва мақсадга мувофиқ бўлса, қолаверса ичдан самимий инсоний кечинмалар билан тасдиқланган бўлса, унда ташқи ва ички ҳаёт орасида чамбарчас боғлиқлик пайдо бўлади. Ижодий мақсадларнинг амалга ошишида ана шундан фойдаланиш керак.

Инжиқ, тутқич бермас туйғулардан қўра, бизга яқинроқ жисмоний хатти-ҳаракатларга мурожаат қилишимиз, уларни ўз ички истакларимиздан қидиришимиз, керакли маълумотларни инсон сифатида ўзимга жуда яхши таниш бўлган ҳаётий тажрибаларимиздан оламиз. Бундай пайтларда ўз хотиротларимга ва табиатимга берилиб кетаман.

Сиз у ёки бу ҳолатни, у ёки бу туйғуни талқин қилмоқчи бўлар экансиз, энг аввало: «Ана шунга ўхшаш шароитга тушиб қолсам мен нима қилар эдим?», деб сўранг. Ёзиб олинг, хатти-ҳаракатга айлантиринг ва уларни айнан худди шундай қилиб ролингизга кўчиринг. Агар пьеса кучли бўлса ва унда ҳақиқий ҳаёт тасвирланган бўлса, у ҳолда хатти-ҳаракатларимизнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, қисман мос келиши мумкин.

Янги ролингизга тааллукли ана шундай савол ва жавобларни ёзиб боришингизни жуда ҳам маслаҳат қиласан. Бу шунинг учун ҳам фойдалики:

Ёзма савол ёки жавоб вақтида аниқ нишонга урадиган сўзни қидириб топишингизга тўғри келади. Буни эса саволга чуқур тушуниб олмасдан қила олмайсан.

Актёр учун бундай ёзувлар бебаҳо ижодий маҳсул ҳисобланади.

Бир тасаввур қилинг-а, бора-бора актёрлик фаолиятингиз даврида сиз тўқнаш келишингиз мумкин бўлган, пьеса ва роллардаги барча ички ҳолат ва кайфиятларга мос келадиган ана шундай ёзувлар аста-секин тўпланиб қолади.

Ростдан ҳам, агар кишининг эҳтиросларидан яратиладиган барча баъзи онларининг рўйхати бизнинг ихтиёrimизда бўлганидами, агар биз ана шу рўйхат бўйича яратаБтган эҳтиросимизнинг ҳар бир таркибий қисмини мантиқан ва изчилигини кечинганимиздами, баъзи бир актёрлар сингари, уни бирданига қамраб олишга ошиқмасдан, аста-секин, қисмма-қисм ўрганиб чиқсан бўлардик.

Бу ёзувларда сиз ҳис-туйғулар хотирангизга руҳий маҳсулингизнинг каттагина қисмини қўшган бўласиз. Бу жуда катта гап: ахир бу ҳиссиётнинг мантиқи масаласини ўрганишимизда жуда қўл келиши мумкин.

Мана, масалан, севги... Бу инсоний эхтирос қандай пайтларда шаклланади-ю ва у қандай хатти-харакатларга ундаиди?

Сиз ана шу хатти-харакатларнинг ҳар бирини фикран тўғри, далиллар билан, чуқур ўйлаб, самимий ва тўла-тўкис бажарсангиз, аввалига севиб қолган кишининг ташқи, кейинчалик эса унинг ички ҳолатига ўхшаш хатти-харакатларга яқинлашасиз.

Ҳар томонлама тўла-тўкис пъесада ана шундай ҳолатларнинг ҳаммаси ёки энг муҳим томонлари у ёки бу даражада намоён бўлиб туради. Актёр уларни излай бошлайди ва ўз ролидан топади. Ана шундай талаблар билан биз сахнада бир қатор вазифа ва хатти-харакатларни бажарамиз, натижада уларнинг мажмуудан ҳосил бўлган ҳолатни севги деб атаймиз. У «умуман» эмас, қисмма-қисм яратилади. Актёр бундай ҳолларда ошириб ўйнамайди, балки хатти-харакат қиласи, актёрларча қилиқ қилмайди, балки инсонларча кечинади, у туёғунинг моҳиятини бачканалаштирумайди, балки уни ҳис қиласи. “Сахна ҳатти-харакати маъноли, мантиқий ва кетма-кет бўлиши керак”- деган эди К.С.Станиславский. Шунинг учун ҳам педагогнинг асосий вазифаси бу-талабани тўғри мақсадга йўналтиришдан иборат. [2.К.С.Станиславский Танланган асарлар. 2-жилд, М., 1954 й. 57-б.].

Аммо ўзлари талқин қилаётган туйғунинг асл моҳиятини чуқур ўйлаб ва тушуниб етмаган кўпчилик актёрлар севгини «умуман» катта бир кечинма деб тасаввур қиласидилар. Улар катта кечинмалар бир қанча алоҳида лавҳалар ва лаҳзалардан ташкил топишини унутиб қўядилар. Уларни яхши билмок, ўрганиш, ўзлаштиromoқ ва ҳар бирини алоҳида бажармоқ лозим. Бусиз актёр бир қолиплик ва ҳунарпазликнинг қурбони бўлишга маҳкум.

Аммо афсуски, актёр учун ўта муҳим бўлган туйғуларнинг мантиқ ва изчиллиги соҳаси ҳали сахна талабларига татбиқ этилмаган.

Бутун ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборувчи мудҳиш хабар, актёрлар театрда кўрсатганларидек, бирданига таъсир қилмайди: ҳозирча ҳеч нарсадан хабари йўқ у қувноқ ва хотиржам; ҳали хабар топмасданоқ - у ўзини у ёқдан бу ёқка ташлаб ёқавайрон бўла бошлайди. Ҳаётда эса бундай мудҳиш фалокатни, кескин ўзгаришни англаб етиш бир қатор изчил ва мантиқий лаҳзалар, руҳий босқичлар орқали рўй беради.

Савол ва топшириқлар:

7. Сўз устида ишлаш деганда нимани тушинасиз?
8. Мусиқали театр актёрлиги тарбиясида сўзнинг ахамияти деганда нимани тушинасиз?
9. Интонация нима?
10. Туйғу тушинчаси нима?

- 11.Изчилликга эришиш учун нималарга ахамият бериш керак?
- 12.Топшириқлардан келиб чиқиб саҳна қўриниши тайёрлаш

5-Амалий машғулот. Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили. (2 соат).

1. Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили.
2. Якка ижро уталари ижодини ўрганиш ва оммавий жанг саҳналарини саҳналаштириш.

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантиқий – изчиллик, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

1. Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили.

Иш жараёнида талабалар орасида ўз-ўзидан жонли ҳарактер хусусиятлар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бунда педагог эҳтиёткорлик билан ёндошиши, уни чарҳлаши, ривожлантириши керак бўлади. Боиси, ўз ҳаётий тажрибаси асосида ўз ҳаракат мантиқини тузиш, саҳнада табиий, жонли ҳаракат қилишга интилиш вазифасининг ўзи талаба учун ниҳоятда мураккаб эканини унумаслик лозим. Бу вазифани қониқарли, талабга мувофиқ равишда бажариш актёрлик маҳорати сирларини эгаллаш йўлида жуда катта қадамдир. Этюд биринчи курснинг иккинчи ярмида, турли техник машқлар билан бирга олиб борилади. Юқорида ўтганимиз кўплаб машқ мисолларини секин-аста янгидан-янги шарт-шароитга мослашган ҳолда этюдга айлантириш мумкинлигини таъкидлаб ўтган эдик. Оддий бир машқнинг этюд даражасигача шаклланиш босқичларини кўриб чиқамиз. Талабага оддий ҳатти-харакат – бирор-бир қутини очиб кўришни, у ерда унга аталган совға борлиги айтилади. Табиийки талаба қизиқиш билан қутини очади. Кути ичида ҳеч нарса йўқ эканини кўриб қутилмаган бу ҳолатдан ҳайрон бўлади. Унинг юз ифодалари, ҳатти-харкатлари органик равишда табиий содир бўлади. Бунинг сабаби вазият ва воқеа талаба учун ҳақиқатдан ҳам тасодифий хисобланади. Педагог талабадан ушбу машқни яна бир бор қайтаришни

сўрайди. Бу сафар талаба учун тасодифийлик таъсуроти йўқолади ва у аввалги ҳатти-харакатини эслаб уни айнан қайтаришга уринади. Табиийки эндилиқда унинг ҳатти-харакатларида табиийлик, органиклик хусусияти йўқолади. Педагог талабанинг хатоларини тузатиб воқеа токрорланиши жараёнида ҳам ҳатти-харакат мантиқийлигини аниқлашга йўл кўрсатиши керак. У талабага аниқ ва маълум мезансаҳнани тақрорлаш эмас, қути ичидағи нарсага қизиқиш ва унинг ичида ҳеч нима йўқлигини “тасодифий” равишда билиш жараёнини ифодалаб беришга ундасин. Бунинг учун воқеага янгидан янги талаб ва саволлар қўйиб шу орқали мантиқий давомийлик аниқланади. Хўш, қути талабага ким томонидан ва нима учун берилди? Қутининг кўриниши, ҳажмини аниқлаш, унинг ичида нима борлигига қизиқиш керак. Балки қутининг ичида талаба орзу қилган буюм бордир? Шу хаёлнинг ўзи бир неча сония ичида талаба онгига катта орзу-мақсад, тасаввурлар уйғотади. Ва бу унинг нигоҳида ҳам ўз ифодасини топади. Қутини очгач, унинг ичи бўш эканидан хайрон бўлади. Сўнг бунинг сабабини излашга уринади.

3. Якка ижро уталари ижодини ўрганиш ва оммавий жанг саҳналарини саҳналаштириш.

Асосий биринчи ишларидан “юзакилиқдан” қочиш, театр “хақиқат”дан устун бўлиши эди. Агар театр яшаш хуқуқига эга бўлмоқчи бўлса, театр бу иккита ечимга муҳтож,-деган англашилмовчиликка бу фикр тенглаштирилади. Биз яшшимиз учун саҳнада ўйнашимиз керак, аммо ўта ўйинқароқлик жазавага олиб келади. Муқаддасликни, мўътабарликни, ер ва мовий осмонни, покланишни қўпол хўрлаган, шоу-бизнесга айлантирган ҳолатлардан бу икки хил қитъя орасидан Станиславский ҳам бошқа буюк инсонларга ўхшаб айланиб ўтади. Бир қитъага эътибор бермаслик қисқа келажакда ўзликни хис қилиш учун қулайдир, аммо бу нарса баддийликда ўз жонига қасд қилишга олиб келади. Яхши хаёт кечириш учун биз хаос ва тартиблилик ўртасида нозик муросима ўрнатишимиш керак.

Станиславский бошқа буюк мутаффакирлар каби зиддиятларга кўп учраган. Масалан у “Професионал”ликни орзу қиласр эди. Замондошлари у талантли актёр эканлигини тан олганлар, аммо унинг ўзи ҳали бу нарсага тайёр эмаслигини қалбининг бир четида сезиб туради. Унинг услуби талabalарни актёр бўлишга ўқитишигина эмас, талабанинг ўз ичида “професионаллик”ни тарбиялашдан иборат. Хақиқатдан мана нарса Станиславскийни улуғлигини исботлайди. Унинг донолиги -у билимсизликни билган.

Станиславский бир гурух ҳатти-харакат қилаётган актёрларни кўрганди, режиссёр сифатида у энг суст актёрларни биргалиқда энг кучли актёр қилиб

етиштиришга ёрдам бериш керак эканлигини англади. Ўзининг хаётий фаолияти давомида актёрларга ёрдам бериш ва уларни яхшироқ хатти-харакат қилиши мақсадида бир қанча машқларни кашфиёт қилди. Унда хеч қандай буюк режалар йўқ эди. У хар доим шарт-шароитга диққатини қаратарди Уни ўзининг берилган шарт-шароитлари доим қуршаб турарди. Хар доим хамма нарса ўзгариб тургандай шарт-шароит хам ўзгаради. Хар бир тизим революцион характерга эга бўлади ва албатта у муваффақиятсизликка учраб туради.

У ўз фикридан тез-тез айниб, ўзгариб турар эди. Унинг хар бир талабаси кузатувлари ёддан кўтарилимаслиги учун уларни ёзиб олиш мақсадида кундалик дафтар тутишга мажбур қилган.

Кўп йиллар давомида айниқса айниқса, революциядан кейин устозини фикрларини хотирасига муҳрлаган шогирдлари хар томонга тарқаб кетдилар, Константина Сергеевичнинг зиддиятга бой фикрлари давр ўтиши билан, вақтинчалик бир тизимга тушиши мумкин. Шунинг учун унинг шогирдлари хам жиддий норозилик фикрларни жуда кўп билдирадилар. Буларнинг кўпига Константин Сергеевич ўз розилигини билдирган бўларди. Аммо у, шу фақат битта хақиқат йўли,- деган шогирлар фикрига қўшилмас эди.

Станиславский қалбида буюк ғоялар шаклланаётганини кўрган ўша даврнинг давлат раҳбарлари чўчиб турар эди. Албатта аввал улар ноўрин инсоний ўлчовлар бирлигини йўқотиши керак эди. Советлар Союзи турли хил таг маънога эга метафоралардан қўрққани учун, айрим давлат хизматчилари унинг назариясини сталинчилик натурализми учун бузиб ўзгарттирган. Аммо саёранинг кесишмасига кўра, бошқа тақдир унга дуч келди. Станичславскийнинг яна бир принципларидан бири -актёрлар кутилмаганда таъсирланиб партнёри билан шу вақтда адаптация қилишга шароит яратади. Лекин қўшма Штатларда уни айрим вақтларда ансамблдан йироқ ҳолда ўзини катта ижро қилган роли билан якка юлдуз бўлиб жамоадан ажralиб туради. Шу йўсинда ўтган даврнинг асосий қисмида Станиславский коммунистик фикрларни яъни ҳар бир инсон ўз дидига эга деб сингдириб кетган. Хозирги даврдаги тоталитар тузумни ўсиб бориши тоталитар тузумни емирилишига раҳна соляпти. Станичславский хам фундаментализмнинг раҳнаси остида турибди. Буюк руҳий йўлбошловчилар шуни таъкидлайдики, қонун билан руҳий қонун ўртасида қарама қаршилик бўлади, лекин инсон руҳий ҳолатни ўзида хис қила олиши керак.

V. КҮЧМА МАШГУЛОТ

1-Кўчма машғулот. Ўзбекистондаги “Бир актёр театри” нинг истиқболи. Актёр этикаси ҳамда маданияти билан боғлиқ назарий қарашлар. (2 соат).

Режа:

- 1. Рол устида ишлаш жараёнида таҳлил ва талқиннинг ахамияти**
- 2. Актёр тарбиясида дикқат элементларининг урни**

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантиқий – изчилик, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

Рол устида ишлаш жараёнида таҳлил ва талқиннинг ахамияти

Биринчи навбатда ҳар бир талабанинг ижодий – шахсий хусусиятлари билан танишиши керак. Актёрлик маҳорати педагогининг вазифаси талабанинг имкониятини ҳисобга олиб, унинг қобилиятини очиши лозим. Талаба эса актёрлик ижодининг муҳим шарт – шароитлари орқали ўз устида ишлаши, ўзини жамоада хис қилиши, ўзаро ижодий боғлиқликни сезиши, театр санъатида инсон ва жамоанинг ўзаро боғлиқлиги, таъсири билан танишиши керак.

Шунинг учун биз (машқ), ишchanлик яратувчи кўникмалари билан боғлиқ ташкилотчилик ва ижодий машқлардан бошлаймиз. Ушбу муҳим вазифаларни ҳал қилиш учун албатта ёлғиз машқларнинг ўзи етарли эмас. Ижодий жамоа, ўқитувчининг оқилона тарбиявий иши билан яралади, машқлар эса унга фақат ёрдам беради. Аммо бошқа машқлар ҳам актёрлик санъатини ўргатиб қўя олмайди, улар фақатгина актёрлик «куроли»нинг зарур бўлган психотехник мойиллигига ёрдам беради, холос.

Уларнинг маҳорати ва техник ахамияти ҳам шунда. Актёрда илфор дунёқарашни, тўхтовсиз ҳаракатда бўлишни ва олий мақсад ҳақидаги таълимотга эга бўлишликни тарбиялаш муҳимдир. Бу машқлар орқали сенсорлик маҳоратни мукаммаллаштирилади, актёрнинг Асосий адабиётлар техник фазилатини, ривожланган ижодий тасаввурини мустаҳкамланади.

Шуни назарда тутиш лозимки, сенсорлик кўникмалар ва маҳоратни ривожлантириш ва мукаммаллаштириш устидаги иш тўқима шарт – шароитдаги ҳаракатланишнинг аста – секин ўзлаштирилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Мана шулар тренинг бўлимлардаги ҳар битта машқни методик йўлда ишлаб чиқилишини талаб қиласди, шу билан бирга театр санъати педагогикасидаги кўплаб машқларни қайтадан кўриб чиқишни тақозо қиласди.

Ҳар бир машқ мавзуси доирасида ишлаганда талабаларга машқ сюжетини ўзгартириш билан бирга, турли усуллар орқали мазмунини хам тушунтириб бориш лозим. Бу эса, ўз ўрнида машғулотнинг аниқ шарт – шароитларига ва педагогнинг ижодий интуициясига¹ боғлиқ.

Театр санъати мактабини ўрганувчи талабалар энг аввало саҳнада ижро этишни ўргатиб бўлмаслиги, ўрганиш эса мумкинлигини театр санъати даргохи аниқ қолипларга эга бўлган ғишт тайёрловчи завод эмас. Ролларни ижро этиш учун тавсиялар йўқ. Сизлар яхши актёр бўлиб етишасизларми, йўқми биз буни билмаймиз. Агар юракдан ўрганиш учун хошишингиз зўр бўлса, мақсадга эришасиз албатта. Санъатда барча шароитга хос юриш – туриш қоидалари йўқ, ва шахзода Гамлет ролини қандай ижро этишнинг мажбурий кўникмалари бўлиши ҳам мумкин эмас. Албатта, бугун бундан 50 йил аввалгидек эмас, яна 50 йилдан сўнг ҳам ҳамма нарса ўзгаради, бугунгидай бўлмайди. Чунки, бундан ярим аср илгари, ҳамда бугун ва яна ярим асрдан кейин, актёр Асосий адабиётлар саволни, яъни – НИМА УЧУН у БУГУН ГАМЛЕТни ўйнаяпти, деган саволни ҳал этади. Нима учунлигини ҳал қилгач, кимни ва нимани ўйнайди, қандайлигини излайди, ўйлади ва топади.

Актёр тарбиясида диққат элементининг урни

Актёрнинг ижодини диққатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Машхур ўзбек режиссёри Т.Хўжаев репетицияда – актёр саҳнада экан, ҳар дақиқа диққатини жам қилмоғи керак, бу ижоднинг калитидир, - деган эди. Диққат элементи ҳақида гапирилганда ҳаракат элементини назарда тутилади. У қуидагича тушунтириллади: тушунишни истайман, ўрганаяпман, кўздан кечираяпман, тушунишга ҳаракат қиласяпман ва ҳоказолар. У бирламчидир ва “кузатаяпман, таъсир ўтказаяпман, ўзимга қабул қиласяпман” занжиридан “қабул қиласяпман” маъносини чиқаради. Бу занжирнинг энг боши, бирламчиси диққат, чунки, у энг муҳим элемент бўлади. Бусиз келгуси ишларнинг ҳожати йўқ, чунки у “таъсир қиласяпман” деган тушунчани ифодалаб беради. Шунинг учун ҳам Станиславский диққат билан ҳатти-ҳаракатни ўзаро узвий боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратган. Объектга (бирон буюм, одам, жиҳоз) бўлган диққат унга муносабатни талаб қиласди, ҳаракат эса объектга бўлган диққатни янада кучайтиради. Шундай қилиб диққат ҳатти-ҳаракат билан уйғунлашиб, объектга бўлган таъсирини кучайтиради.

Тажрибасиз актёрга, томошабиннинг нигоҳи тош ботгандай туюлади. Назарida томошабин ундан ҳаяжонларга бой тасаввур ўйинларини

² Интуиция - ғайрииҳтиёрий ҳис, зийраклик.

кутаётгандай бўлади. Бу нотўғри тушунча. Театрда ҳеч нарсани кўрсатиш керак эмас. Талабаларда, бундай ҳолат ички сиқиқликдан, табиий талабга бўйсунмасликдан келиб чиқади. Бундай «ижод» ёш актёрни чалғитиб, бошқа, нотўғри йўлга киритиб қўяди. “Рампа нурлари билан ёритилган саҳна, минглаб томошабинлар нигоҳи уни довдиратиб, энг оддий ҳатти–ҳаракатларни табиий жараёнидан чиқариб ўйнашга, кўрсатишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам саҳнада юриш, ўтириш, ётиш, эшитиш ва қўришларни қайтадан ўрганиш керак», - деган эди К.С.Станиславский⁵.

Бунда қарама-қаршилик пайдо бўлганда туюлади, аслида буларни енгиш осон: актёр саҳнада томошабинни унудиши керак. Саҳнада бирон нарсани кўрсатиб, тасвирлаб бериш мумкин эмас. Актёр пъесадаги берилган шарт–шароитни, мақсадни ўзиникидай қилиб олиб, ҳаётда табиий яшаб келганидек ҳаракат қилиши керак. Қандай қилиб томошабинни унудиб бўлади? Қандай қилиб саҳнада ҳаққоний ҳаётни ҳис қилиб, ижро этса бўлади? Қандай қилиб актёр билан томошабин ўртасидаги тўсиқни ўрнатса бўлади? Қандай қилиб актёрни “бўрттириб ўйнашдан” халос қиласа бўлади? Қандай қилиб саҳнада ҳеч бўлмаса биринчи қадамини табиий ҳолатда бажариш мумкин бўлади?

Маълум шарт–шароитда тўғри мақсад сари қўйилган тўғри ҳатти–ҳаракат, талабани залдан, томошабинлар нигоҳидан халос этади. Станиславский айтганидек – “залга, томошабинга эътибор қилмасликнинг ягона йўли, эътиборни саҳнада қилаётган ишга йўналтиришдир”⁶. Ана шу ҳолат “томушабин билан яккана–якка ишлаш санъати дейилади.

Машқ:

1. Саҳнада турган талабадан, аудиторияда турган нарсаларни кузатиб чиқиб, уларни бу ерга қандай келиб қолганини тўқиб чиқиши.
2. Китобда, дафтарда, чўнтакда қолиб кетган яширин мактубни, хатни топиши.
3. Сумкадаги нарсаларни кўздан кечириб, ишлатилган пулларни санаб чиқиши.
4. Думалаб кетган тангани топиши.
5. Саҳнага 5-6 нафар талаба чақирилади. Булар аудиторияни таъмировчи ишчилар бригадаси. Уларга навбатдаги таъмирлаш ишларини олиб бориши мақсадида аудиторияни кўздан кечириш топширилади.

⁵ Stanislavskiy K.S. Tanlangan asarlar. 2-jild, M., 1954, 103 б.

⁶ Stanislavskiy K.S. Tanlangan asarlar. 2-jild, M., 1954, 100 б.

2-Кўчма машғулот. Театрдаги жамоавий ижронинг – эстрададаги якка ижро билан қиёсий таҳлили. (2 соат).

Режа:

- 1. Спектакль ишлаш жараёнида назарий таҳлил ва талқиннинг ўрни**
- 2. Актёр тарбияси жараёнида техника, марказ, тасаввур, ғояга етишишда хориж тажрибаси**

Таянч иборалар: актёрда бадиий дид ва этик маданият, инсоннинг эмоционал хотираси, актёр хис-туйғуси, мантиқий – изчилик, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, жисмоний ҳаракатлар услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш.

Спектакль ишлаш жараёнида назарий таҳлил ва талқиннинг ўрни

Спектаклнинг образи тўхтами, спектаклнинг режиссёрлик талқини, вазифани белгилаш бўйича режиссёр иши, асар ғоясини яратиш. Образлар таснифи, ҳарактер ва ҳарактерлилик, образлар устида ишлаш. Образлар нутқи устида ишлаш, ҳарактер ва ҳарактерлилик, нутқий концерт ижодкорлиги турлари. Ҳарактер ва ҳарактерлилик. Рол асосини белгилаш, грим, либос, тана, ишора, кўз ифодаси кабиларни белгилаш, ҳарактернинг ташқи кўринишини излаш, актёрнинг асосий ҳолатини белгилаш. Ҳаққонийлик ва саҳнавий шартлилик элементлари орасидаги муносабат. Ҳаққонийлик ва саҳнавий шартлилик элементлари орасидаги муносабат, шартлилик меёри, спектаклнинг режиссёрлик талқини, спектаклнинг яхлит образи ташқи ҳаққонийлик, ҳаққонийлик ва шартлиликнинг бирлиги, тегишли ҳолатларда ҳаракат ва хислар, саҳна шартлилиги. Ички ва ташқи техниканинг бир-бирига мутаносиблиги. Ички техника – актёрнинг ички техникаси, психологик, руҳий, хаттиҳаракатлар, кечинма санъати, ташқи техника, актёр танасининг жисмоний ҳолатлари, ички ва ташқи қарамақаршиликлар. Жанр ва унинг пластик ритмикакси. Жанрни белгилаш, муаллифни асарга эмоционал муносабатини белгиловчи ифодавий воситалар мажмуи, турли жанрларнинг ифодавий воситалари, макон ва жанр, эстрада спектаклини композицион ёчими. Спектаклнинг маконий – овозли образи. Спектаклни мусиқий шовқинли безаш билан пластик ифодавийликни ўзаро алоқаси, спектакль вазиятни яратиш, маконий, ёруғлик ва мусиқий шовқинли партетура тизими, пластик ифордавийлик воситалари. Тўртинчи девор. “Тўртинчи девор”ни хис қил ибораси, актёрларни кўзга кўринмас тўртинчи девор билан томошабинлардан тўсилиб туриши, Ижодий фаолиятда тўртинчи деворнинг

яна бир шартли маъноси, диққатни жамлаш. Танланган материални ёзма таҳлил. Танланган материални ўқиб чиқиши ва тушуниб етиш, ролни дафтарга ёзиб, иккинчи тарафига автор айтмоқчи бўлган ички монологларни аниқлаш, рол устида изланиш, автор берган ғояни англаб етиш, берилган шарт-шароитни аниқлаш, “нега?”, “нима учун?”, “ундан кейинчи?” каби саволларга ўз роли орқали жавоб топиш.

Рол ҳаракати мантиқини ишлаб чиқиши. Спектаклни стол атрофида ишлаш, асарнинг берилган шарт – шароитларида актёрни руҳий - жисмоний ҳаёт кечириш жараёни устида ишлаш, матнни ўзлаштириш ва уни воқеалар кетма-кетлигини мантиқан таҳлил қилиш, автор берган ғояни англаб етиш, ижодий фикрлаш доираси ва актёрлар изланиши фаоллаштириш.

Рол таҳлили. Спектаклни стол атрофида ишлаш, асар нинг берилган шарт – шароитларида актёрни руҳий - жисмоний ҳаёт кечириш жараёни устида ишлаш, матнни ўзлаштириш, автор берган ғояни англаб етиш, берилган шарт-шароитни аниқлаш, ижодий фикрлаш доираси ва актёрлар изланиши фаоллаштириш.

Эстраданинг нутқ жанрлари. Адабий материални актёрлик санъати билан синтези, нутқий концерт ижодкорлиги турлари, жанрий кўпқирралиқ, жанрлар ва нутқ ижодкорлиги жанрлари, концерт эстрадасига ўтказилган драматик спектакллар саҳнаси, адабий нутқ жанрлари, нутқ мусиқий жанрлар.

Конферансенинг саҳна образи. Омма билан мулоқотнинг эстрада усули, ижод психологияси, томошибинларни тайёрлаш, дастур тузиш, турли жанрлардаги концерт номерларини уйғунлаштириш, шахсий номерлар ижроси. Ролга тегишли бўлган бир қатор актёрлик вазифаларини белгилаш

Тасаввурдаги берилган шарт-шароитда маълум мақсадга эришиш учун хатти-харакатланиш, характерларни аниқлаш, қарама-қаршиликни аниқлаш, берилган шарт-шароитни аниқлаш, тасаввурни бойитиш, ўзи ижро этаётган қаҳрамонга нисбатан муносабат билдириши. Парчалар устида ишлаш

Адабиёт асосида материал танлаш, асар ғоясини аниқлаш, ролларни тақсимлаш, стол атрофида ўқиши, образлар таснифи, характер ва характерлилик, мизансцена устида ишлаш, ифодавий воситалар билан ишлаш.

Бадиий образ ёрдамида ашё ёки воқелик ҳақида тасаввур

Хатти-харакат содир бўлаётган макондаги кайфият, жой ва вақтни ҳис қилиш, воқелик ҳақидаги тасаввурга эга бўлиш, саҳнадаги асар ғоясини очиб бериш учун декорасиялар, ашёлар ёрдамида фойдаланиш, ўша замон атмосфераси уфуриб туришини таъминлаш мақсадида костюм, декорасия, саҳнавий ашёлардан оқилона фойдаланиш.

Воқеани образли тасаввур қилиш, уни аниқ саҳна кўринишида шартлилик доирасида намойиш қилиш. Актёрнинг саҳнавий образи, унинг тасаввури,

актёрнинг саҳнада таҳминий мизансаҳналарини кўра олиши, актёрнинг айтмоқчи бўлган фикрини шартли деталь ёки мизансаҳна билан шартли равишда намойиш этиш, актёрнинг зал билан бевосита мулоқоти, томошабиннинг эмоционал баҳоси.

Грим устида ишлаш. Гримни асосий ташкил қилувчи бўлаклари, грим, пастиж, турмаклаш, гримнинг спектаклни безатиш элементлари билан боғлиқлиги.

Актёр тарбияси жараёнида техника, марказ, тасаввур, ғояга етишишда хориж тажрибаси

Техника аслида хеч нарсани англатмаслиги мумкин, аммо актёр учун у тубсиз бир янги дунёни очиб беради. Сиз биринчи бор техника билан юзма юз келганингизда, сизда икки хил фикр ўйғониши мумкин. Органика ва хақиқатга олиб борувчи энг тўғри йўл бўлгани учун ҳам бу машқ актёрларга тавсия қилинади. Биз техникани кўпроқ ташқи томондан тушунамиз, мадомики, техника деганда фикр ва ҳаракат шуурий бўлмоғи зарурдир. Шуни тушуниб етсак ҳатти – ҳаракатда актёрга тўлиқ ёрдам беради. Техника бу кўрсаткичdir. Шу туфайли қайси бири биз учун қадрли. Тана, фикр ва фантазия орқали танани ўргатиш. Чехов техникаси “Фикр актёрлик ижросини илҳомлантиришга олиб келувчи қадамдир” –деган тамойилни олға суради.

Илҳомланиш учун қадам:

1. Тасаввур (ички)
2. Диққат (ичкидан ташқига)
3. Ўйғотиш (ташқидан ичкига)
4. Ёниш (ичкидан ташқига)
5. Илҳомланиш (ташқидан ичкига ва ташқарига)

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

VII. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-КЕЙС.

Педагогика бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдикি, уларда — Таълим жараёни тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

Таълим жараёни – бу:

1. Ўқувчиларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Ўқувчилар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустаҳкамланиши, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти элементларини ўзлаштириш, дунёқарашни бойитиш ва ўқувчилар хулқ-авторининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигига БКМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

Саволлар:

1. Улардан қайси бири таълим жараёнининг моҳиятини тўла ёритади?
2. Фикрингизни қандай асослайсиз?

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил) ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиши жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштироқида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Мазмунига кўра барча таърифлар ҳам таълим жараёнининг моҳиятини ёритишга хизмат қиласди. Бироқ, муайян фан ҳар бир категория бўйича ўзининг аниқ терминологиясига эга бўлиши, тушунчалар воқеа, ҳодиса ёки жараённинг умумий тавсифини, объект ва предметларга хос мухим белгиларни ёритишга хизмат қилиши зарур.
2. Келтирилган таърифлар асосида тегишли жараёнга хос умумий тавсифлар негизида тушунчани қуидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ: таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ҳолда илмий билим, уларни амалиётда қўллаш кўникма, малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

2-кейс.

Биринчи синфда ўқиётган Дилшод шеърни ифодали ўқиб бергани учун —беш баҳо олди. Ўқитувчи уни бунинг учун мақтади. Дилшод уйга қайтгач, шошганича, бу хабарни ойисига айтди. У, ҳатто, ўзи ёд олган шеърни ойисига ҳам ўқиб бермоқчи бўлди. Аммо, ойиси Дилшоднинг хабарини совуққонлик билан тинглади ва ўғлига қайрилаб ҳам қарамасдан деди:

Беш олдингми? Жуда соз, баракалла, - энди овқат тайёрлашимга
халақит бермагин-да, ўйнаб кел!

Дилшод тушлик ҳам қилмай кўчага чиқиб кетди.

Саволлар:

1. Вазиятни қандай баҳолайсиз?
2. Дилшоднинг онаси тарбиянинг қайси тамойиллариға зид иш қилди?
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига қандай таъсир ўтказади.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган тарбия тамойили (иккита тамойил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштироқида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Ниҳоятда ёқимсиз вазият. Онаси Дилшоднинг мактабга қандай бориб келганлиги билан ҳам қизиқмади.
2. Дилшоднинг онаси тарбияда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбия жараёнида рағбатлантириш тамойилларига зид иш қилди.

3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига салбий таъсир ўтказади, аста-секин унда қўрслик, бефарқлик, ўз-ўзини паст баҳолаш, ўзига ва атрофдагиларга ишонмаслик каби хислатлар шаклланади.

З-КЕЙС.

1. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шаклларни аниқлаш.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали методларни танлаш.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи тарбия воситалари белгилаш.

Тингловчилар учун методик кўрсатмалар

1. Тегишли адабиётлардан шакл, метод ва восита тушунчалари қандай маъно англашини ёдга олинг.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари ва шахс маънавиятини шакллантириш жараёнларининг моҳиятини чуқур ўрганинг.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситалар аниқланг.
4. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини тизимлаштиринг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштироқида муҳокама қилинади.

VII. ГЛОССАРИЙ

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Актёрликка оид маҳорат фанлари	ташкилий ва бадиий мақсадларга эришиш учун талабалар ва шу соҳанинг вакилларига бериладиган сабоқлар соҳага мўлжалланган дарслар ОТМ ёки ташкилотнинг қарори билан белгиланади.	an integrated management process which sees mutually satisfying exchange relationships with customers as the route to achieving organizational and artistic objectives
Режиссёрликнинг ўзига хос тенденциялари	Маълум бир кинофильм ёки спектаклни намойиши ёки тайёрланишига қаратилган ценарий асосида яратилаётган бадиий асарни намойиш этишда зарур бўладиган қонун-қоидалар.	an economical and cultural relationship system of fine and applied arts, where artwork's supply and demand are formed, aesthetic price and material value are assessed
Режиссёр	Спектакл ёки кинофильм саҳналаштиришга маъсул бошлиқ ёки раҳбар.	a process of buying and selling goods or services by offering them up for bid, taking bids, and then selling the item to the highest bidder.
Интерпретация	Киноасар ва спектаклни олиниш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилувчи муҳим омил.	the variables, such as price, promotion, and service, managed by an organization to influence demand for a product or service
Кинокампания	Турли хилдаги кинофилмларни ишлаб чиқарувчи ва улар устидан бевосита назорат қилувчи давлатга қарашли ёки хусусий ташкилот.	it's not only organisation's successful operation in the past, but also a result of activity condition in the present and future
Саҳна декорацияси	Кино ёки спектаклни намойиш қилишга керак бўладиган қурилмалар мажмуасига айтилади.	feasible consumers, possible consumers
Антракт	Актёрларга фильм ёки спектаклни намойиш оралиғида дам олиш учун бериладиган танаффус.	the general impression that a person, organization, or product presents to the public

Сахналаштириш	Асарнинг мазмун мохиятидан келиб чиқиб унга муносиб актёрларни танлаб намойиш қилишга таёrlаниш жараёни.	the establishment of objectives and the formulation, evaluation and selection of policies, strategies, tactics and actions required to achieve them
Афиша	конофильм ёки спектаклни намойиши намойиши қачон бўлиши тўғрисидаги томошибинларга хабар етказишни одатий усулига айланган қофоз воситаси.	a strategy indicating the specific target markets and the types of competitive advantages that are to be developed and exploited
Фон	Кинофильмлар ёки спектакл тайёрланиш жараёнида сахна ва иншоатларга бериладиган тасвир ранги у кино нуфузи ва савиясини ҳам белгилайди.	a paid form of non-formal communication that is transmitted through mass media such as television, radio, newspapers, magazines, direct mail, public transport vehicles, outdoor displays and Internet
Имидж	Сахнада роль ижро этаётган актёрнинг одатий соч турмаги ёки кийимлардан фойдаланиши.	a person or company that buys and sells works of art
Сюжет	Асарни кейинги сахна куринишлари билан боғлашга хизмат қилувчи бадиий сар унсурларидан бири	the practice of creating, promoting, or maintaining goodwill and a favourable image among the public towards an institution, public body
Роль	Актёрга бажарилиши керак бўлган ижро воситаси у ценарийда қандай бўлса шу тарзда амалга оширилиши лозим.	the giving out of information about a product, person, or company for advertising or promotional purposes
Продюссер	Фильм ёки спектаклни бошдан охиригача инвентарлар ва актёрларни моддий қўллаб-куватловчи раҳбар.	a strongly felt aim, ambition, or calling

VIII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VIII АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 январда қабул қилинган “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги ЎРҚ-668-сонли Конуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 майдаги Оммавий ижрога мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳақини тўлаш тартиби тўғрисида низоми
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4584-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион

ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрь “Республикада айrim давлат театрлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 754-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 сентябрь “Томоша» болалар мусиқий театр-студияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 август “Кинематография соҳасидаги айrim норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 695-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июнь “Халқаро цирк санъати фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 535-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июнь “Ўзбекистон Республикасида кинотуризмни жадал ривожлантириш ва мамлакат кино жозибадорлигини кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 499-сонли Қарори

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 май “Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги хузуридаги халқаро фестиваллар дирекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сонли Қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартағи “Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 329-сонли Қарори

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги “«Дийдор» ёшлар экспериментал театр-студияси» фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 266-сонли Қарори

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Фильмнинг оммавий намойишини амалга ошириш учун бир марталик рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1012-сонли Қарори

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрь “Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 923-сонли Қарори

III. Махсус адабиётлар

1. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўкув юртларида ўкув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўкув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

2. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

3. Гулобод Қурдатуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

4. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

5. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўкув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

6. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўкув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

7. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.

8. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

9. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида.

10. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

11. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

12. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

13. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

14. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.

15. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
16. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
17. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.
18. Carla Stalling Walter. Arts Management: an entrepreneurial approach. USA. Routledge. 2015. 459 р.
19. Шакаров У. Б. Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммолари. Дисс автореферати. Т.; 2018. 52 бет.
20. Махсудов Б. Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Дисс автореферати. Т.; 2018. 52 бет.
21. Султонов А. Ф. Ўзбекистон ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнлари. Дисс автореферати. Т.; 2018. 52 бет.
22. Тўйчиева.С, Норбеков.А. Ижтимоий сиёсий фаолият. Тошкент. Фан ва технологиялар. 2010.
23. Тўйчиева.С, Шахс ижтимоий фаоллиги ва маънавий маданият. Тошкент. Миллий энциклопедия илмий нашриёти. 2016.
24. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. Фан. 2004.
25. Файзиев Т., Собиржонова Д., Сулаймонов Б. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш (маърузалар матни). Т.: 2002
26. Хайдаров А. Маданият ва санъат соҳасини бошқариш асослари. – Тошкент. F.Fулом . 2016.
27. Ўтанова У. Халқ маданияти: тарихи, назарияси, муаммолари. –Т., 2007.
28. Қорабоев У., Соатов Ф. Ўзбекистон маданияти. –Т.: Тафаккур-бўстони, 2011.

IV. Интернет сайтлар

27. <http://edu.uz>
28. <http://lex.uz>
29. <http://bimm.uz>
30. <http://ziyonet.uz>
31. <http://www.dsni.uz>.
32. <http://artyx.ru/>